

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим

Вазирлиги

Бухоро давлат университети

Тарих факультети

Тарих кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Мавзу: “Манғитлар даврида Бухоро меъморчилиги ”

5220200- «Тарих» таълим йўналиши бакалавр

даражасини олиш учун

Тарих таълим йўналиши

битирувчиси: Қодирова Мафтуна

Илмий раҳбар: Тўраева Г.Б.

Бухоро – 2019

**Мавзу: “Манғитлар даврида Бухоро меъморчилиги ”
(1753-1920)**

Режа:

Кириш

- 1.Боб.** XVIII аср охири – XXаср бошларида Бухоро меъморчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари .
- 2.Боб.**Манғит ҳукмдорларининг ташқи саройлари.Ситораи Мохи-Хосса саройи.
- 3.Боб.** XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро шаҳрининг меъморий қиёфаси ва топографияси .

Хулоса

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакат маънавий ҳаётида кўплаб ўзгаришлар рўй бериб, ўзбек халқининг бой тарихи, моддий ва маънавий кадриятларни ўрганишга катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида ва Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент каби тарихий шаҳарларнинг юбилей тантаналарида сўзлаган нутқларида, ЎзР ФА Тарих институти олимлари, тарихчилари олдида қатор илмий – назарий ва амалий долзарб муаммоларни тадқиқ этиш вазифасини қўйди. Ушбу долзарб масалалар орасида ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик тарихи ва шаклланиш босқичларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек халқи учун юксак кадрланган Бухоро шаҳри жаҳон халқи томонидан ҳам тарихан эътироф этиб келинаётган қадимий тарихий обидаларга бой, ўзининг масжид, мадраса, минора, хонақоҳ ва карвонсаройлари, савдо тим – тоқлари билан сайқалланган улуғ бир маскандир.

Бухоро – жаҳон маданиятининг ёрқин ва қадимий ўчоқларидан биридир. Кўп асрлар мобайнида бу ерда ноёб бадиий маданият таркиб топди, жаҳон тарихи солномаларида ёрқин из қолдирган буюк аҳли донишлар яшаб, ижод этдилар.

Дарҳақиқат, Бухоро – машҳур файласуф ва шоирлар, олим ва илоҳиётчилар номлари билан жаҳонга танилган шаҳар бўлибгина қолмай, балки юзлаб номаълум меъморлар, рассомлар, уста – ҳунармандлар авлодларнинг шаҳри ҳамдирки, уларнинг барҳаёт ижодлари жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган.

Бухоро ўзининг узоқ тарихи давомида фаол қурилиш ва қайта қурилишнинг бир неча босқичини бошидан кечирди. Қадимги давр

иншоотлари замонлар ўтиши билан вайроналиклар ва янги қурилишлар остида қолиб кўп асрлик маданий қатламлар билан қопланган.

Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги шундаки, Манғитлар даври меъморий обидалари, уларнинг қурилиш услублари, Бухоро меъморчилик мактаби вакиллари яратган ўзига хос бебаҳо мерослари, XVIII - XX асрларда Бухоро шаҳрининг меъморий кифаси ҳамда топографияси ҳақида илмий таҳлиллар олиб бориш Бухоро тарихининг ўрганилиши лозим бўлган муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Тадқиқотнинг даврий чегараси.Тадқиқотнинг даврий чегараси, XVIII асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг биринчи ярми қилиб белгиланди.

Бу даврда Бухорода Манғитлар сулоласи вакиллари ҳукмронлик қилиб, амирликда барпо этилган ташқи саройлар ҳамда фуқаро меъморчилиги, диний иншоотларнинг қурилишига асосий эътибор қаратилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур мавзунинг тарих-шунослиги қуйидаги уч босқичга бўлинади:

- 1) Бухоро амирлиги ва Россия империяси ҳукмронлиги йилларида яратилган тадқиқотлар ;
- 2) Совет даврида чоп этилган тадқиқотлар ;
- 3) Мустақиллик йилларида эълон қилинган ишлар .

Биринчи босқичда яратилган асарларнинг муаллифлари асосан шарқшунос олимлар ва россиялик тадқиқотчилар бўлиб, Николай Ханников 1843 йилда Санкт -Петербургда "Бухоро хонлигининг тавсифи" номли асарини чиқарди. 1868 йилда Бухоро амирлиги Россия томонидан истило қилингач, бу ўлкани ўрганувчи, тадқиқ қилувчилар кўпайди. XIX асрнинг 90 -йиллари ўрталаригача археологик XIX асрнинг охирларида харбий топограф Н.Ф.Ситняковский Бухорога келиб, бир қатор суратга олиш ишларини бажарди. У Бухоро воҳасида бевосита археологик кузатувлар олиб борган биринчи тадқиқотчи эди.1913-15 йилларда тарихчи шарқшунос

маълумотига эга бўлган Л.А.Зимин томонидан ўтказилган текширишлар илмий - услубий жиҳатдан анча тайёргарлик асосида юқори илмий мулоҳазаларга бойлиги билан ажралиб турди (Рус археология жамияти Шарқ бўлими ишлари Санкт-Петербург 1875 й) .Совет ҳокимияти йилларида, яъни иккинчи босқичда яратилган адабиётларда, уларнинг кўпчилиги умумлаштирувчи характерга эга бўлган фундаментал тадқиқотлар бўлган. 1920-1934 йиллар Бухкомстарис (Кадимги ёдгорликларни қўриқлаш Бухоро ташкилоти) томонидан айрим ишлар амалга оширилган. Бухоро воҳасидаги биринчи жиддий йш А.Ю.Якубовский бошчилигидаги Ермитаж ва Узкомстарис экспедистияси томонидан 1934 йилда амалга оширилди. Бу биринчи археологик экспедиция эди. Экспедиция Бухородан Самарқандгача борадиган карвон йўли буйлаб юришни мўлжаллаган эди. 1957-1961 йилларда олдинги Астровиский номидаги Тошкент Давлат рассомчилик институти (ҳозирги М.Уйғур номидаги санъат институти)нинг санъат тарихи ва назарияси кафедрасининг профессори ва кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган Ремпел¹, профессор Г.А.Пугаченкова (1915-2007) билан ҳамкорликда Бухоро, Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги қадимий архитектураларини ўрганиш учун қатор экспедициялар ташкил қилган барча масжид минораларни ҳам бундай экспедициялар ёрдамида ўрганиб чиққан².

Мустақиллик йилларида эълон қилинган илмий тадқиқот ишларига Қосимов. Ф.Х. Бухоро “Париж асрлар садоси” ,Қосимов Ф.Х. “Истиқлол ва тарихий хотира” ,Наимов Н. “Бухорои шариф”,Саййид Мансур Олимий “Бухоро –Туркистон бешиги”/форсчадан Ҳ Тўраев таржимаси, Саййид

¹ Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. Институт искусствознания Академии Наук УзССР. Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1961. – С.129.

² Бухара (Узбекистан). Совместно с Г. А. Пугаченковой. Серия «Сокровища зодчества народов СССР». Москва, 1949; Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана (с Г. А. Пугаченковой). Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1958; Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана (с Г. А. Пугаченковой). Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1960; История искусств Узбекистана (совместно с Г. А. Пугаченковой). Ташкент: Академия художеств Узбекистана, 1962; История искусств Узбекистана с древнейших времён до середины XIX века (с Г. Пугаченковой). Институт искусствознания имени Хамзы Хаким-заде Ниязи. Москва: Искусство, 1965.

Муҳаммад Носир ибн Музаффар “Тадқиқоти арки Бухоро/Бухоро арки ҳақида тадқиқот”, Тураев Х” Чорбакри и их преемники”, Тураев Х “Традиция посещений культовых мест в Бухаре: Социальная и религиозная оценка”/history and Culture of Central Asia.Токио ҳамда Қорёғди Жумаевнинг “Ситораи Моҳи Хосса” сингари асарларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир .

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Мавзуни ўрганишдан мақсад Бухорода Манғитлар даври меъморий обидалари , уларнинг қурилиш услублари, Бухоро меъморчилик мактаби вакиллариининг ноёб меъморчилик анъаналарини тарихини ёритишдан иборат. Бухоро амирлигидаги маъмурий иншоотлар, фуқаро меъморчилиги ҳамда масжид ва мадрасаларнинг қурилиш тарихи билан яқиндан танишиш. Шу мақсаддан келиб чиқган ҳолда куйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

- А) XVIIIаср охири – XX аср бошларида Бухоро меъморчилик мактабининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Б) Манғит ҳукмдорларининг ташқи саройлари.Ситораи Моҳи-Хосса саройи қурилиши тарихини ёритиш;
- В) XIXаср охири – XXаср бошларида Бухоро шахрининг меъморий қиёфаси ва топографияси ҳақида маълумотлар бериш.

Мавзунинг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур иш ўзбек давлатчилиги ва айниқса Бухоро манғитлар тарихига назарий жиҳатдан ойдинлик киритади. Амалий жиҳатдан эса талабаларга “Ўзбекистон тарихи” курсини ўтишда ва бошқа махсус курслар ўқиш, мактабларда дарс жараёнида фойда келтиради.

Ишнинг тузилиши ва тартиби. Иш кириш, 3 боб , хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Жами 64саҳифани ташкил этади

1.Боб. XVIII аср охири – XXаср бошларида Бухоро меъморчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари .

Кўхна тарих саҳифаларини varaқлар эканмиз, кўз олдимиздан Бухородаги мўжизакор меъморчилик обидалари бирма-бир ўтади. Бу афсонавий шаҳардаги қадимий иморатлар ва иншоотларнинг барчаси бухоролик моҳир усталар кўли билан тикланган уларнинг ҳар бир ғиштига боболар ижоди, тафаккури, муайян давр маданиятининг инъикосини кўрамиз. Нозик дид, юксак маҳорат ёрқин даҳо билан ижод этилиб, барпо бўлган ёдгорликлар халқимизнинг бебаҳо маданий бойлиги фаҳри ва ғуруридир. Ана шундай санъат дурдоналари тарихини яратган буюк меъморларга, халқ усталарига ҳар қанча таҳсинлар айтсангиз арзийди. Асрлар ижодий тажрибасини ўзида мужассам этган уста ва устазодалар санъати авлоддан авлодга ўтиб сайқал топган.

Афсуски, жуда кўп меъморлар, усталар номи тарихда сақланиб қолмаган. Зероки, тенгсиз гўзаллик намуналарини яратган меъморлар ўз номларини биноларда ёзиб қолдиришларига рухсат бўлмаган. Кўпчилик ҳукмдорлар бу ажойиб атиқаларни ўз мулклари ҳисоблаб унинг деворларига ўз номларини байтлар билан бирганлар.

Аммо халқ усталари яратган бебаҳо ёдгорликлар асрлар оша кишини ҳайратга солиб виқор билан кўкка бўй чўзиб турибди. уларни яратган меъморлар, муҳандислар, усталар номини мангуликка даҳлдор қилмоқда.

Ўзбек санъати тарихининг йетук тадқиқотчиси, Бухорода XX асрнинг 30-йилларида илмий фаолият олиб борган санъатшунос олим Л.И.Ремпел ўзининг “Кўхна билимлар ёхуд узоқ ва яқин давр тарихи” асарида шундай деб ёзади: “Ёғоч ўймакорлиги бўйича машҳур бўлган усталар: Уста Абдурахмон, Уста Остон Жўйбори, Уста Қори Чўбин, Уста Абдуғаффор унга юқори бўлмаган қоровулбеги унвони ва юқори унвон мирохур унвонлари берилган”. Асарининг бошқа жойида у яна уларнинг номини тилга олади: “Уста Ширин Муродов билан бирга яна бошқа гилкорлар ҳам ишлаганлар:

Уста Хўжакул, Уста Ҳожи Қурбон. Ёғоч ўймакорлигини дурадгорлар: Қори Чўбин, Уста Абдуғаффорлар бажарганлар”.

Бундан ташқари яна бир қатор илмий асарларда бухоролик моҳир усталарнинг номлари ҳурмат билан тилга олинган, уларнинг бинокорлик санъатидаги хизматлари юксак даражада эътироф этилган.

Мисол тариқасида юқорида номлари тилга олинган усталарнинг ҳаёти ва ижод йўли ҳақида қисқача тўхталамиз.

Уста Абдуғаффор мирохур³

(туғилган йили тахминан 1860 - вафоти 1938)

Абдуғаффор муҳандис алп қоматли, жуссаси катта бир киши бўлган. У киши отга минганда ҳатто отнинг бели ҳам қайрилиб қолган. Уста Абдуғаффор амир Музаффархон ва Абдулаҳадхон ҳукмронлик даврларида Ширбуддин, Кармана, Дилкушо ва Ситораи Мохи Хосса илк иншоотлари қурилишида Уста Ҳожи Ҳофиз ва Устомиддин қўлларида шогирд бўлиб ишлаган. Кўп ўтмай уста меъморчилик санъатини мукаммал эгаллаб, муҳандис даражасига йетган.

Уста Абдуғаффор ўз шогирдлари билан Ситораи Мохи Хоссадаги янги сарой мажмуасида қўш синчли тўртта бино қурган. Саройнинг асосий қабулхонаси бўлган – “Хонаи Сафед” ташқари ҳамда ичкари ҳовли айвон ва хазинахона 1911-1913 йилларда унинг раҳбарлигида қурилган. “Хонаи Ҳашт” – саккиз бурчакли меҳмонхонаси 1916-йилда, икки қаватли ҳарам биноси 1917-йилда, кўшк 1918-йилда қурилган. Уста Бухоро меъморчилигининг анъаналарига таяниб, бу биноларни “чўпқори” усулида барпо қилган.

Саройнинг “Саломхона” – айвони ҳам унинг томонидан қўш синчли қилиб қурилган. Ўлчами 30х5х8 метрли айвонни 8 та ёғоч устунлар кўтариб туради. Устунлар ҳаттоти қилиб пардозланган бўлиб, пастки қисми “кўзача” услубида безатилган. Айвон ичкарисидан нақшлар яхлит тахталик сатҳга

³ Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010 . 27-б.

тилло ранг ёғоч тахтачалардан геометрик гиреҳ нақши ясаб безатилган, шифти билан девор туташган карнизга муқарнас равоқли косачалар шарафалар билан зеб берилган. Айвоннинг томи 4 та ярим цилиндрсимон кўтарма ҳамда 4 та ясси том билан қопланган бўлиб, бу услуб шарқ меъморчилиги қадимги анъаналарининг янгича талқини ҳисобланади.

Уста “Хонаи Ҳашт” меҳмонхона биносида бундан ҳам мураккаб йечим топган. Бинонинг ўртасига ҳавозакли саккиз бурчакли “Хон хона” атрофига эса, йеттита турли ўлчамдаги хоналарни моҳирона жойлаштириб ягона мажмуа барпо қилган. Саккиз бурчакли марказий хонага туташ хоналар ҳосил қилган учбурчакларни чуқур ва саёз токчалар билан безаб, тўртбурчакли хоналар ҳосил қилинган.

Бундан 100 йил аввал қурилган Ситораи Мохи Хосса Ссаройидаги бошқа жойлардаги чўпқори бинолар уларнинг ёнидаги ғиштин бинолар билан рақобатга бардош бериб, абадиятга бўй чўзиб турибди. Умрбоқий ҳунар деб шунини айтишса керак.

Уста Ширин Муродов
(1879-1957 йиллар)

Уста Ширин Муродов гилкорлар гузарида бухоролик устазодалар оиласида туғилган. Унинг бобокалони Уста Умид таниқли ганчкорлардан бўлиб, ўз ҳунарини ўғиллари Уста Фузайл ва Уста Носирга ҳам ўргатган эди. Уста Носирнинг ўғли Уста Мурод эса Уста Шириннинг отасидир. Уста Ширин ўн тўрт ёшида етим қолган амакиси Уста Ҳаёт оиласида тарбияланган.

Уста Шириннинг биринчи мустақил иши Бухородаги Абдуқодирбой уйи қурилиши бўлди. Аъло даражада бажарилган мураккаб шаклли шарафакарниз, сержило девор намоёндаларидаги қатма-қат ўймакорлик нақшлари ёш уста санъатининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлигини кўрсатар эди. Тез орада ном чиқарган Уста Ширин кетма-кет бир-биридан гўзал ва жозибали юксак бадиий кўринишга эга бўлган уй-жойлар қуриб бегади.

Саййид Олимхон даврига келиб Уста Ширин Ситораи Мохи Хосса ссаройи қурулишига сафарбар қилинди. Унинг зиммасига энг масъулиятли вазифа саройнинг тахт залини қуриш юклатилди.

Уста Ширин Муродовнинг бошқа ганчкор усталардан фарқи шундаки, у ўзи қурган биноларнинг барча безак ишларининг ўзи бажарар эди. Уста ўтмишдан анъана бўлиб келган композицияларга қатор янгиликлар киритиб, ўймакорликдаги пардозларини янада бойитди. У “Оқ уй” ганчкорлигида ўймакорликда маълум бўлган бешта пардоз усулидан ҳам жой-жойида усталик билан фойдаланди.

Уста Ширин бисотида “заминкор пардоз”, “лўла пардоз”, “чока пардоз”, “табака пардоз”, “пахпардоз” усуллари билан бирга янги кашфиёт боълган “ойна пардоз” ҳам қўлланилди. Уста Ширин бундай маҳорати туфайли мирохур унвонига сазовор бўлди.

Ситораи Мохи Хосса ссаройининг ҳовузи бўйида жойлашган икки қаватли канизакхона қуриб тугаллангач, Уста Ширин Муродов Арк қаршисидаги Болоҳовуз масжиди минорасини, Масжиди Калон ичкарасидаги гумбазли минбарни қурди.

Устанинг ажойиб мўжизакор санъати билан ҳалокат ёқасига келиб қолган ярмигача тупроққа кўмилиб шўр босиб қабрлар орасида қолиб кетган ИХ-Х асрлар дурдонаси Сомонийлар мақбараси таъмирланди. Минораи Калом, Мағоки Аттори масжиди, Мир Араб мадрасаси ҳам Уста Ширин Муродов кўлидан қайта сайқал топди.

Уста Ширин Муродов меъморчилик соҳасидаги улкан хизматлари эвазига Ўзбекистон Фанлар Академиясининг доимий аъзоси, Фахрий академик, 1-даражали Давлат мукофотининг лаурияти унвонларига сазовор бўлиб, кўплаб нишонлар билан мукофотланган.

Уста умрининг сўнгги йилларида кесалик ва касаллиги сабабли қурулишда ишлаб билмасида турли нақшли гул нусхаларини қоғозга тушуриб ўзбек миллий меъморчилиги назариясига оид мураккаб муқарнас, шарафа ва ироқи

тузилиш йўллари кўрсатувчи чизмалар тайёрлади. У ўзидан бой мерос қолдирди.

Бундан ташқари уста Самарқанд шаҳрида ташкил этилган бинокорлик мактабига чизмакашлик асосларидан тортиб, то мураккаб гиреҳ тузишдаги геометрик шакллар ясаш масалаларини йечиш каби назарий ва амалий билимларни ўнлаб шогирдларига ўргатган.

Уста Ҳожи Қурбон Йўлдошев
(1870-1941 йиллар)

Уста Ҳожи Қурбон Йўлдошев Бухоро шаҳридаги Жўйбор маҳалласида таниқли меъмор Уста Йўлдош хонадонида туғилган. Уста Йўлдош амир Саййид Музаффархон ва Абдулаҳадхон ҳукмронликлари даврида сарой устаси сифатида шуҳрат қозонган ва ҳунар сирларини ўғли Қурбонга ўргатди. Саййид Олимхон тахт вориси сифатида ҳокимият тепасига чиққач Уста Ҳожи Қурбон мирохур даражасига эришди. Уста Ҳожи Қурбон Болоҳовуз масжидининг пеш айвони ва шу масжид минораси қурилишида бош Уста лавозимида ишлади. У Уста Файзи билан ҳамкорликда айвоннинг ўймақори устунларини моҳирона ясади.

Уста Ҳожи Қурбон Минораи Калоннинг жанубий-шарқ томонидаги аёллар ҳаммоми замирида Амир Олимхон мадрасасини қурган.

Лаби Ҳовузда Нодир Девонбеги хонақоси гумбазини таъмирлаган. У Россиянинг Сочи шаҳридаги Амир Абдулаҳадхон саройини ҳам бош Уста сифатида қурган.

Уста Ҳожи Қурбон Йўлдошев Сурхондарёдаги Ат-Термизий мақбараси гумбазини қайта тиклаган. Туркменистон Республикасидаги Султон Санжар ва Муҳаммад ибн Зиё мақбараларида таъмирлаш ишларини олиб борган.

У 1938-йилда Бухоро шаҳридаги Мағоки Аттори масжиди пештоқини Уста Ширин Муродов билан ҳамкорликда таъмирлаган. Уста Ҳожи Қурбон Йўлдошев 1935-йилдан Собиқ иттифоқ рассомлар уюшмаси аъзоси бўлган.

Уста Ҳожи Қурбоннинг икки ўғли ва бир қизи бўлган. Ўғиллари Раббижон Қурбонов ва Абдурауф Йўлдошев ота касбини давом эттирдилар.

Уста Ҳасанжон Умаров

(1920-йил охирида вафот этган.)

Таниқли ёғоч ўймаkori Уста Ҳасанжон Умаров машҳур наққош ва мусаввир амир Мирсайид Олимхоннинг ёзги қароргоҳи Ситораи Мохи Хоссадаги машҳур қабулхона - кутиш залини нозик ва нафис нақшлар, майин чизиқлар, ёрқин ранглар бериб беаган. Амир мирзахонаси учун ёғочдан инкрустация қилиб, тилла ранг нақшлар солиб сандиқ-айф ясаб берган. Қабулхона учун ўймакор курсилар тайёрлаган. Саройнинг зиёфатлар зали “Хонаи авқотхоъри” учун оврупача услубда саккиз бурчакли буфет ишлаб, нозик жимжимадор нақшлар ва ўймаkori панжаралар билан безатилган.

Саройнинг ҳовуз бўйидаги канизакхонага кираверишдаги айвонча кўшкни ҳам Уста Ҳасанжон Умаров 1918-йилда беаган.

Уста Абдурахим Ҳаётов

(1936-йилда вофот қилган)

Бухоронинг энг кекса усталаридан бири устазодалар оиласидан бўлган Уста Абдурахим Ҳаётовни замондошлари ҳурмат билан “Уста бобо” деб аташар эди. У ганчкорлик ва наққошлик санъатини Уста Абдуҳафиз Ҳожи, Уста Насруллобой, Уста Остонқул ва саркор Устамиддинлардан ўрганган эди.

Уста Абдурахим Ҳаётов амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида кўплаб бинолар, саройлар, боғ ва чорбоғлар қурулишида қатнашиб катта меъморчилик тажрибасини тўплади, мирохур унвонига сазовор бўлди. У 1870-йилда Музаффархоннинг Ширбуддиндаги ссаройини қуриб битказгач, уста ундаги гилкорлик ишларини юксак санъат билан бажарган эди. У ҳам Ситораи Мохи Хосса ссаройини қуриш, эски саройларни қайта тиклашда ва безашда қатнашди. Ундаги “Хонаи Ҳашт” қурулишида ганчкор ва наққош сифатида кўрдик.

Уста Абдурахим Турдиев

(туғилган йили 1880)

Нуроталик машҳур Уста Абдурахим Турдийев асли мармардан идишлар ясаш бўйича моҳир сангтарош бўлган. Амир Мирсайид Олимхоннинг Ситораи Мохи Хосса саройи қурулишида фаол иштирок этган. У ташқари ҳовлидан ичкари ҳовлига кираверишдаги дарвозанинг чап томонидаги гулдастанинг остки қисмини мармардан ўйиб ишлов берган. Ҳовузга тушадиган иккала мармар тарновни аждарга ўхшатиб бажарган ҳам шу устадир.

Уста Абдурахим Турдиев амир ёзги қароргоҳининг қабулхонасига кираверишдаги иккита шернинг ҳайкалини ҳам кулранг Ғазгон мармарида моҳирона йўнган. Уста бисотига мансуб мармар табак, коса, шокоса, кўза ва бошқа кўплаб ҳақиқий санъат намуналари Бухоро Давлат Музей кўрикхонаси фондида сақланмоқда. Уларга нозик нақшкар билан бирга гўзал арабий ёзувлар солинган.

Уста Абдурахим Турдийев Ситораи Мохи Хосса саройининг ичкари ҳовлисига ўрнатиш учун ишлаган фаввора қандайдир сабабга кўра ўтказилмасдан қолганлиги учун Ғазгондан олиб келинмаган ва ҳозир ҳам у йерда сақланмоқда.

Уста Абдурахим Турдиевнинг набираси Туркман эсонов ҳозирги кунда республикада машҳур ҳаркалтарошлардан биридир. ⁴

⁴ Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010.35-б.

2.Боб.Манғит ҳукмдорларининг ташқи саройлари. Ситораи Мохи-Хосса саройи.

Ўрта аср ҳукмдорлари саройлари давлат бошқарувида муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоот сифатида мамлакат таянчи ҳисобланган. Ўрта аср хон саройлари шаҳар маданияти ривожланиши билан ёнма-ён равишда такомиллашиб бораверган. Аслида ҳукумат саройлари давлат рамзларидан бири саналиб, унда давлат аҳамиятига молик масалалар муҳокама қилинган ва ўз ечимини топган, фармон ва ҳукмлар тузилган ва ҳоказо. Ушбу тадқиқотда асосан бизгача сақланмаган ёки кам маълум бўлган ташқисаройлар тўғрисида сўз юритилади. Ҳар бир сулола ўз қароргоҳига эга бўлиб, унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эди. Шайбонийлар сулоласи вакиллари ўтроқ ҳаётга ўтгандан сўнг, Бухоро шаҳридаги ҳукмдорларнинг анъанавий ссаройи – Аркни ўзларига қароргоҳ қилиб олишади ва унинг ички ва ташқи қиёфасида бирмунча ўзгаришлар қилишади.⁵

Шайбонийлар сулоласи даврида Бухоро шаҳри тарихий топографияси ва қиёфасида жиддий ўзгаришлар юз берганлигини бу даврда кўплаб маданий-маърифий иншоотлар қурилганида, шаҳар атрофи 12км узунликдаги мудофаа девори билан ўраб олинганида кузатиш мумкин. XVI асрда Бухоро ўрта аср йирик шаҳарларига хос барча инфратузилмага эга эди. Бу даврда мамлакат Аркдан туриб бошқарилди. Шаҳардаги иссиқ ҳаво, табиий биқиклик шайбоний султонларида шаҳардан ташқарида ҳам саройлар барпо қилиш эҳтиёжини уйғотган бўлса-да, сулола ҳукмронлиги даврида бу нарсга амалга ошмади. Аштархонийлар эса айнан шу нарсага эътибор беришган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, сулола даврида шаҳар атрофида асосан мудофаа деворига яқин масофада иккита ташқисарой-қароргоҳ барпо этилди: Хонобод ва Пири Марзасаройлари. Саройлар аниқ режа асосида, жонинг табиий географик ҳолати, иқлимини ҳисобга олган ҳолда, хушҳаво, серсув мавзеларда қурилган. Аштархоний Убайдуллахон (1702-1711) фармони

⁵ To'rayev.H.H.Buxoro hukmdorlarining tashqi saroylari./Buxoro mavjlari/2014 y1-son.34-b

билан Бухоро шахрининг ғарб томонида Таллипач дарвозаси яқинида 1709-йилда барпо этилган Хонобод боғи ва ссаройини куришда юқоридаги ҳолатларнинг барчаси ҳисобга олинган. Квадрат шаклдаги боғ олти, учқиррали майсазорларга бўлиниб, боғ ўртасида баландкўшк(сарой) барпо этилади. Сарой қурулишига Балх ва Мовороуннахрнинг турли вилоятларидан усталар жалб қилиниб, уч ой ичида унинг қурулиши поёнигайетказилади. Замон муаррихлари ушбу саройни Куфа яқинидаги Ҳаворнок ссаройига қиёс қилишган. Пири Марза ссаройи асосан боғдан иборат бўлганлиги туфайли тарихий манбаларда чорбоғ сифатида тилга олинади. эътиборли томони, ушбу чорбоғ саройнинг мудофаа деворига эга бўлганлиги. Ҳар ҳолда чорбоғ ўртасида хоннинг дам олишига мўлжалланган махсус бинолар қад кўтарган бўлиши керак. Убайдуллахон сафар олдидан шу саройда дам оларди. Тарихий манбалар маълумотига кўра, Пири Марза чорбоғ-саройи шаҳарнинг Шайх Жалол дарвозаси билан Хўжа Исмат мазори оралиғида воқе бўлган.

Аштархоний Абулфайзхоннинг (1711-1747) онаси, “Ситораи Моҳихоса” тахаллуси билан машҳур бўлган Бибипошшо (ойим) Абулфайзхон ҳукмронлиги даврида шаҳар ташқарисида сўлим боғ барпо этади. Шу боғ мавжудлиги туфайли асрлар ўтиб унинг ичида ҳозирги Моҳихоса саройи ташкил топди.⁶

Манғит амирлари ҳам ушбу анъанани давом эттириб, шаҳар ташқарисида саройлар барпо этганини тарихий манбалар тасдиқлайди.

Амир Насруллонинг (1826-1860) Бухородаги Ўғлон дарвозаси яқинида Чорбоғ хосса номли ташқи саройи бўлган. Унинг вориси Амир Музаффархоннинг (1860-1885) шаҳардан 4 км шарқда жойлашган Ширбудин ссаройи қурулишида асосан маҳаллий усталар иштирок этган бўлса-да, унда Ғарб меъморчилик санъати услублари мавжуд эди. Бу эса XIX аср 70-

⁶ То'rayev.H.H.Buxoro hukmdorlarining tashqi saroylari./Buxoro mavjlari/2014 y1-son.34-b

йилларидан маҳаллий меъморчиликка Ғарб санъати услублари кириб келганидан далолат беради.

Ситораи Моҳихоса саройини истисно қилганда, тилга олинган ташқи саройлардан бирортаси бизгача етиб келмади. Ширбудин саройи қолдиқлари совет даврида бузиб ташланди. Уларнинг фундаментлари ҳам сақланмаган.

Бухоро Подшо Россияси сиёсий таъсирига тушиб қолгандан кейин барпо этилган саройлар меъморчилигида европача усулни яққол кузатиш мумкин. Айниқса, Амир Абдулаҳад (1885-1910) томонидан қурилган ташқи саройлар Шарқ ва Ғарб меъморчилик санъати уйғунлигининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Бунга мисол қилиб Моҳихоса ва амир Абдулаҳадхоннинг Кармана саройини кўрсатиш мумкин. Кармана саройи учун Зарафшон дарёсининг соҳили жуда муваффақиятли ва қулай танланган. Салобатли Нурота тоғ тизмалари яққол кўзга ташланиб турадиган мавзеда барпо этилган сарой табиат билан инсон ўртасидаги уйғунлик ифодаси каби таассурот уйғотади. Сарой ёғоч, ғишт, лойсувоқ ва ганч ўймакорлиги услубида ишланган. Нақшинкор деворлар, устунлар ва муқарнаслар уни тўла маънода санъат асари даражасига кўтарган.

Амир Абдулаҳаднинг Карманадаги саройи бошқа манғит амирларининг ташқи саройларидан (Ситораи Моҳихоса саройини истисно қилганда) ўз сиёсий аҳамияти билан фарқ қилади. Амир Насрулло, амир Музаффар ташқи саройлари асосан ҳукмдорларнинг дам олишига мўлжалланган бўлса, Кармана саройи давлат бошқарувига мослаштирилган эди. Унда давлатнинг ички, ташқи сиёсатига оид масалалар кўриб чиқилган. Ҳар кунлик почта, расмий маълумотлар таҳлил қилинган. Фармон лойиҳалари тайёрланган. Бир сўз билан айтганда, амирликнинг бутун ҳаёти Кармана назорати остида бўлган. Сарой меъморий жиҳатдан замон талабларига мос услубда қурилган. Давлат бошқарувида банд бўлган ходимлар учун қулай шароитлар яратиб берилган. Сарой муайян меъморий ечимга эга бўлган гўзал амалий санъат намунаси ҳисобланади.

Бухоро ҳукмдорларининг ташқи саройлари амирлик даврида маҳаллий меъморчиликда янги, яъни саройсозлик йўналиши пайдо бўлганини ва ўз меъморий услуби ҳамда бадий ечимига эга йўнаилш сифатида кенг ёйилганини кўрсатади.⁷

Бухоронинг сўнгги амира Саййид Олимхон ҳукмронлиги даврида Бухорода қурулиш ишларининг молиялаштирилиши бошқарилиши тўғрисида қисқача изоҳ бермоқ мақсадга мувофиқдир. Ўша вақтларда барча қурулиш ишлари махсус девон назоратида олиб борилар эди. (Аз барои иморати подшои комиссия) Бу комиссия-гуруҳ таркибига рус муҳандислари Моргулес ва Саковичлар билан бирга Уста Хожи, Абдурайим Ҳаётов, Уста Абдуғаффор мирохўр, қушбеги вакили Мирзо Исомиддин Қоровулбеги киришган эди. Қурулиш топшириқлари ҳукумат бошлиғи сифатида “Қўшбеги Боло” томонидан берилиб, маблағ билан таъминлашни эса молия вазири вазифасини бажарадиган “Қўшбеги пойин” амалга оширар эди. Шаҳар ичкарасидаги қурулиш ишларини Ҳусайн девонбеги бошқарар шаҳар ташқарисидаги қурулиш ишларига эса, Латиф девонбеги бошчилик қилар эди.

Шу жумладан амир Мир саййид Олимхоннинг шаҳар ташқарисидаги ёзги саройи Ситораи Мохи Хосса саройи қурилишини ҳам Латиф девонбеги молиявий назоратчи сифатида бошқарган. Одатга кўра амир ҳар бир йирик қурулишга бир таниқли устани бош меъмор қилиб тайинлар эди. Тайинланадиган бош устанинг унвони камида мирохўр бўлиши керак эди. Амир Мир Саййид Олимхон даврига келиб Бухорода 50 нафар қоровулбеги унвонига эга бўлган уста бўлган. Усталар унвонининг энг юқориси тўқсабо унвони ҳисобланар эди.

Қароргоҳнинг ҳозирги шаклидаги асосий биноларни манғитлар сулоласининг сўнгги вакили Мир Саййид Олимхон ҳукмронлиги(1911-1920

⁷ To'rayev.H.H.Buxoro hukmdorlarining tashqi saroylari./Buxoro mavjlari/2014 y1-son.35-b

й) даврида барпо этилган. Шунинг учун қароргоҳ тузулиши эски ва янги саройларга бўлиниб, эски деганда, Олимхон ҳукмронлиги давридан илгари бунёд этилган иншоотлар назарда тутилади.

Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлангани сарой қурилиши услубида ҳам ўз ифодасини топган. Олимхон қурилишларни лойиҳалаштиришда рус муҳандислари Сакович ва Моргулес хизматидан фойдалангани туфайли, кўпчилик биноларнинг ташқи кўриниши оврупача бўлиб, ички безаклар эса миллий услубда бажарилган.

Рус муҳандислари Абдулаҳадхон саройини ташқарида қолдириб, унинг шарқ томонида маҳобатли бир меъморий мажмуани лойиҳалаштирганлар ва бухоролик усталар иштирокида уни амалга оширганлар. Сарой ичкарасига ҳашаматли қилиб қурилган кошинкор пештоқли дарвозахонадан кирилади. Дарвозахона пештоқи ранг-баранг кошинлар ва шиша безаклар билан қопланган бўлиб, икки бурчагида кошинли гулдасталар қўйилган. Бу ерда ҳам оврупача услуб устунлик қилиб, дарвоза устидаги равоқ, гулдаста ва пештоқ Бухоро меъморчилик услубига хос бўлмаган тўқ қизил, кўк-бинафша ва ҳаворанг санг сопол кошинлар билан қопланган. Дарвозанинг пештоқи тепасида ганждан ишланган кўзалар саройдаги маъмурчилик белгисидир. Яримой шаклидаги безаклар эса саройнинг ҳусни жамолини ойга тенглаштириш нишонасидир.

Дарвозанинг тепасида Қоровулхона барпо этилган бўлиб, пастки каватининг ён томонларида соқчилар сергак турадиган ҳужралар мавжуд. Дарвозахона қурилишидаги энг қимматли ашё қайрағоч дарахтидан юксак маҳорат билан ясалган ўймакор дарвозадир. Унда ғиждувонлик моҳир ҳаттотлар Уста Жўра ва Қори Чўбин ҳафсала билан ёғоч ўймакорлиги услубида гўзал шарқ миллий нақшларини солишган. Дарвозанинг юқори ва пастки қисмига нозик мис пластинкалари нақш солинган қуббали маъдан михлар билан безатилган зулфин ҳалқалар осилган. Дарвозахонадан саройга кириб келган меҳмон дастлаб ташқари ҳовлига қадам босади. Унинг уч

томонида ёғочдан енгил қилиб қурилган “чоркунж” устунли ганчкор нақшлар билан безатилган айвонлар жойлашган. Уларга амир ҳазратлари қабулига келган меҳмонларнинг отлари боғлаб қўйилган.⁸ Ҳовлининг тўртинчи томонида хунармандларнинг устахоналари мавжуд бўлиб, меҳмонлар наздида турли-туман буюмларни ясашган.

Дарвозахонадан кираверишда ўнг қўлда моъжазгина ҳовличадан иборат яна бир бино бор. У ичкаридан янги сарой билан туташган. Бу бинода амир хонадони аъзоларининг либослари, кўрпа-тўшаклар ҳамда хазина бойликлари сақланган. Бинога қарши томоннинг чап бурчагида эса яна бир эшик бўлиб, унинг қайрилма йўлагидан эшик оғасининг хонасига кирилган.

Ташқи ҳовлининг жанубига янги саройнинг 1912-1914 йилларда барпо этилган қабулхонаси тутшиб кетган. Аммо қабулхонага кириш учун ташқи ва ички ҳовлини боғлаб турган долондан ўтмоқ лозим. Унинг дарвозаси нисбатан оддийроқ қилиб безатилган гужум дарахтидан ясалган. Долоннинг усти Самарқанд терагидан тайёрланган йўғон тўсинлар ва толдан ясалган вассалар билан ёпилган. Долон орқали салқин шаббода ичкари ҳовлига махсус услубда кўтарилган баланд айвоннинг шимол томон деворига урилган. Салқин шаббода йўл қидириб долон дарвозасидан ичкарига ҳаракат қилган.

Қабулхона биноси “П” ҳарфи шаклида қурилган бўлиб, уни жануб ва ғарб томонидан ҳашаматли айвон ўраб туради. Айвонни майин ўймакорлик нақшлари билан безатилган ингичка устунлар кўтариб турипти. Унинг томи тўртта ярим ёй шаклидаги ҳовузларга бўлиниб, пештоқига ўймакорлик услубида қошсимон ҳошия чиқарилган. Нақшинкор устунлар ва геометрик гиреҳ шаклида сайқал берилган ёғоч деворлар феруза ранг, безаклар эса тилла рангида бўялгани айвонга алоҳида тантанаворлик руҳини бағишлайди. Балки шунинг учундир айвон “Саломхона” деб аталади. Унинг қаршисидаги

⁸ Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010.18-б.

супа олти бурчакли ғиштлар билан қопланган бўлиб, ўртасида кичик бир фаввора ҳам бор. Ҳеч шубҳа йўқки, амир ҳазратлари тонг палласида мулозимларининг саломларини шу ерда қабул қилган.

Айвоннинг боғга туташ томонидан ташқари ҳовлига ўтиш йўлаги аркасимон шаклда бошланиб, ганчкорлик нақшлари билан безатилган ҳамда арабий ёзувлар битилган ва пештоқининг юқори қисмида ганчдан ясалган гулдонлар ўрнатилган,

Янги саройнинг асосий хоналари қолган икки томонни эгаллайди. ғарб томонда “Оқ уй” ва ётоқхона, даҳлиз ва кутиш заллари, жануб томонда эса ойнаванд чойхона, мирзахона, зиёфатхона ва шахмат зали ўрин олган. Уларнинг барчаси ташқи томондан оврупача услубда, ичкари томондан эса миллий услубда безатилган.

Жануб томондаги хоналар меҳмонларни якка тарзда қабул қилишга мўлжалланган. Бу ерда ҳукмдор кўпинча энг яқин амалдорлари билан мулоқотга кирган.

Саройнинг асосий биноси қуриб битказилгач, боғ ичида кўшк ва шийпонлар барпо этишга киришилган. Ҳаммадан ҳам 1915-йилда бунёд этилган “Хонаи Ҳашт” – Сакиз хоналик кўшкки лойиҳасига кўра ҳақиқий оврупача кўриниш билан диққатни тортади. Унинг меҳмонхонаси томи майда оқ туника билан гумбазсимон қилиб ёпилган. Арка шаклидаги деразаларга ташқаридан назар ташлаганда, бино оврупалик бойларнинг уйларини эслатади. Аммо кўшкка кираверишдаги айвончанинг қарама-қарши деворлари ва шифти юқорига қараб тарвақайлаб кетган ажойиб гулдасталар билан безатилган бўлиб, чинакам шарқона услубдаги санъат намунасидир.

Кўшкнинг тўғри бурчакли “Хонаи Калон” деворларига эса кичик-кичик тоқчалар билан зеб берилган бўлиб, Рафаэл ижодий услуби намуналарини эслатади. Кўшкдаги меҳмонхона ички тузулиши Бухоро хонадонларидаги анъанавий меҳмонхоналарга ўхшашдир.

Кўшкнинг марказида саккиз бурчакли “Хобхона” жойлашган. У наққошлик санъати билан бежирим безатилган. Девор ва шифтига олтин ва кумушдан зарҳал бериб, “кундал” нақшлари тушурилган. Кўшкни безатиш ишларига 4 килограмм 250 грамм тилла сарфланган.

1918-йилда барпо этилган канизакхона ва ёзги кўшк ҳам юксак меъморчилик санъати намуналаридир. Аслида Мавритания услуби меъморчиликда Европа мамлакатларида XIV-XV асрлардаги Уйғониш даври ёдгорликларида қўлланилган. Айниқса, Италиянинг Венеция шаҳри ёдгорликларида шу кўринишдаги бинолар XV асрда кўплаб қурилган. Сув бўйида жойлашган саройлар оқ мраммдан, айвонли галиреялар шаклида, икки қаватли қилиб қурилган бўлиб, бинонинг тасвири денгиз сувида акс этганича жозибали манзара кашф қилган.

Ситораи Мохи Хосса саройининг канизакхона биноти ҳам ана шундай манзара кашф этиши учун олд томонида Ўрта Осиёда энг катта ҳисобланган ҳовуз қурилиб тиниқ сувда икки қаватли канизакхона 4 қаватли бинога ўхшаб кўринади. Икки қаватли бу алоҳида бино амирнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, унда ҳукмдорнинг канизаклари истиқомат қилишган. Унга нисбатан кичик бўлган, жимжимадор услубда ишланган айвончали кўшк орқали қирилган. Ҳовуз жазирама ёз ойларида бинонинг хоналарига роҳатбахш салқинлик тарқатган.

Сарой кўшклари орасида бир томондан ёғоч минорачага туташиб кетган шийпон ўзига хос қурилиш услуби билан диққатни жалб қилади. Шийпон устига олти бурчакли минорача орқали айланма зинапояча билан чиқилади. Шийпоннинг бир қавати ғиштдан иккинчи қавати эса енгил қилиб ёғочдан қурилган. Бу шарқона услубга мутлақо бегона бўлган ўзига хос иншоотдир.

Шийпон эклектик услубда қурилган бўлиб, том ва бурчакларига ингичкалашиб кетган устунлар ўрнатилган, думалоқ ёғоч куббачалар мис пластинкалар билан қопланган ва расмий ярим ой шакли билан якунланган.

Саройнинг шимол қисмида амирнинг шахсий ҳаётига алоқадор яна бир иншоот бор. Бу икки қаватли ҳарам биносидир. Унинг хоналари ва айвони ичкари ҳовли томонига қараган. Ҳарамнинг жануб томонида “саллоти” ғиштдан катта уй, ғарб ва шарқ томонидан биринчи қаватда “чўпқори” услубда қурилган уйлар, шимол томондан айвон жойлашган.

Ҳарамнинг ёғочдан қурилган қисми иккинчи қаватда уч томондан энсиз айвон билан ўралган. Ҳовли ўртасида айланма шаклдаги фаввора қурилиб, у сарой бекасининг ҳовлиси билан ичкари томондан туташтирилган. Ҳарам биносига шариат қоидаларига биноан номахрам ҳисобланган эркаклар киритилмаган ва фақат аёллар истиқомат қилишган.

Амир Олимхон сарой қурилишида иштирок қилган усталарнинг меҳнатини юксак қадрлаган, уларга совға-саломлар берган, юксак унвонлар билан тақдирлаган. Мазкур иншоотлар қурилишида қатнашган бухоролик усталар номларини алоҳида тилга олмоқ лозим. Хусусан, сарой қурилишида турли йилларда Уста Остонқул ва Иброҳим Ҳафизов, Уста Ҳожи Мирзараҳим ва Уста Абдураҳим Ҳаётов, Уста Абдураҳим Турдийев ва Уста Карим Самадов, Уста Абдуғаффор мирохўр ва Уста Қори Чўбин, Уста Ҳожи Қурбон ва Уста Ҳасанжон Умаровлар алоҳида ғайрат ва маҳорат кўрсатишди. Улар яратган қошона авлодлар оша Бухоро меъморчилик санъатининг юксак намунаси сифатида қолаверади.

Ситораи Мохи Хосса Музейининг ташкил этилиш тарихига назар ташласак, 1920-йилнинг октабрида Бухоро Халқ Республикаси биринчи қурултойи Ситораи Мохи Хосса саройида ўтқазилиб, ҳукумат аъзолари шу ерда қўним топишди.

Аммо юрт тинчиганидан кейин, қароргоҳнинг Бухоро чегарасидан ташқарида эканлиги инобатга олиниб, ҳукумат идоралари шаҳар ичкарисидagi биноларга кўчирилди. Шундан кейин собиқ амирнинг ёзги саройи мажмуаси узоқ йиллар фойдаланилмай турди. Бу эса табиийки,

Боғдаги дарахт ва ўсимликлар ривожига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг кўпчилиги молларга ем бўлди.

1923-йилнинг кузида Ситораи Мохи Хосса саройи атрофида яшовчи деҳқонлар хашакларни ёқиб юбориб, бунинг натижасида саройдаги бир неча бинолар ўт олди. Бундан хабар топган Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси котиби Республика маориф нозири Мусо Саиджонов Бухоро Халқ Республикаси Қурилиш комиссияси номига шундай мазмундаги мактуб юборди: “Ситораи Мохи Хосса атрофида ишловчилар ҳеч қандай заруратсиз хашакларни ёқиб юбормоқдалар ва бундай эҳтиётсизлик оқибатида аланга казармалар олдидаги бинони қамраб олиб, катта ёнғин содир бўлди ва уни ўчириш учун қишлоқда яшовчилар беш соат ҳаракат қилишди. Бухоро Марказий ижроия қўмитаси аҳолининг бундай хатти-ҳаракатлари саройга катта шикаст етказиши мумкинлигини инобатга олиб, сиздан зудлик билан бундай ҳолларнинг олдини олиш тадбирларини топиб кўришни таклиф қилади. Агар бундай тадбирлар кўрилмаса, бутун масъулият сизнинг зиммангизда бўлади”.(Ўзбекистон Республикаси Марказий Архиви П-47, опис 1, дело 644, 47 лист).⁹

Бухоро Халқ Республикаси раҳбарлари ўша вақтларда собиқ амир саройини қаровсиз сақлаш охир-оқибатда унинг йўқ бўлиб кетишига олиб келишини яхши тушунар эдилар. Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Мусо Саиджонов сингари етук арбоблар уни ободонлаштириш муаммосининг ечимини излай бошладилар. Абдурауф Фитрат Бухоро Халқ Хўжалиги кенгашининг раиси сифатида Бухоро шаҳридан Мохи Хоасса қароргоҳига олиб борадиган тош йўлни таъмирлаш ташаббускори бўлиб чиқди. Мусожон Саиджонов Ситораи Мохи Хосса қароргоҳида алоҳида музей очиш таклифини олға сурди.

⁹ Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010

У раҳбарлик қилган Маориф нозирлиги таълим-тарбия ишлари билан бирга меъморий обидаларни таъмирлаш ва ораста сақлаш учун ҳам масъул эди. Шу билан бир вақтда у Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг масъул котиби сифатида мамлакатда бутун маданий-маърифий ишларга раҳбарлик қилар эди. Бу ишлар болалар ва катталар таълимини ташкил этиш, театр, музейлат, ҳужжатгоҳлар, кутубхоналар фаолиятини ташкил қилишни ҳам қамраб олар эди.

Мусо Саиджонов нозирлиги даврида Ситораи Мохи Хосса саройидаги мулкни қисман бўлса ҳам сақлаб қолишга ва бу ерда мавжуд нодир буюмларни амалий санъат асарлари сифатида ягона коллекцияга бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ўшанда у Абдурауф Фитрат, Абдулвоҳид Бурҳонов ва яна бир қатор тараққийпарвар зиёлилар билан бирга ҳукуматнинг вақф бошқармаси ҳузурида бир гуруҳ ташкил қилиб, Бухоро шаҳридаги барча меъморий ёдгорликларни рўйхатдан ўтказиш уларнинг ҳолатини баҳолаш ва қайси бирига қандай вақф мулки берилишини аниқлаш уларнинг фототекасини тузиш билан шуғулланди. Кейинчалик унинг бу фаолияти Бухоронинг меъморий ёдгорликлари тарихи тўғрисидаги илмий асарида тўлақонли ифодасини топди.

Кейинчалик Мусо Саиджонов раҳбарлик қилган Ўрта Осиёда музей ишларини ташкил қилиш меъморчилик, тасвирий санъат ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (“средазкомстарис”) Ўзбекистон ҳукуматига бир неча бор мурожаат қилиб, Ситораи Мохи Хосса саройида алоҳида музей очишни таклиф этади. Хусусан Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи Файзулла Хўжайевга ёзган мактубда бу тўғрида шундай деб қайд этилган эди: “Бухоронинг феадал ўтмишини акс эттириш керак. Бундай музейлар бошқа республикаларнинг ҳудудида аллақачонлардан бери мавжуд. Петербургдаги Пётрграф, Сарски Селодаги собиқ император саройлари ва бошқалар эндиликда кенг халқ оммаси кўз олдида собиқ ҳукмдорлар ҳамда бой

аъёнларнинг қандай яшаганликларини жонлантиради, бу жиддий маърифий аҳамиятга эгадир... Ана шу музейлар намунасида бошқа амир саройлари ичида энг яхши сақланиб қолган Ситораи Мохи Хоссада музей ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўларди”.

Ушбу мактубга саройнинг бир неча хоналарида Бухоро инқилобининг турли босқичларини ёритувчи турли экспозициялар вужудга келтириш, қолган қисмидан эса Қримдаги Ливада саройи каби меҳнаткашлар ҳордик чиқарадиган санаторий ёки дам олиш уйи ташкил қилиш ҳам тавсия этилди. Шундан кейин Ўзбекистон ҳукумати қарори билан Ситораи Мохи Хосса қароргоҳи “Бухкомстарис” ихтиёрига топширилди.

Мусо Саиджонов Бухоро маданиятининг чинакам жонкуярларидан бири эди. У Абдурауф Фитратдан Кейин ўзбек олимларидан иккинчи бўлиб, профессор унвонига эришган. Биринчи ўзбек музейшунос олими 1935-йилда Санкт Петербургдаги машҳур эрмитаж музейида бўлиб ўтган эрон санъати ва археологияси III халқаро конгрессида форс тилида ниҳоятда сермазмун маъруза қилиб, шарқшунос доираларда танилди. Унинг “Самарқанднинг меъморий ёдгорликлари”, “Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг вақфномаси” ва яна кўпдан кўп Марказий Осиё меъморий ёдгорликлари тарихига бағишланган асарларининг илмий қиймати йил сайин ошиб бормоқда.

Афсуски, Мусожон Саиджонов Бухоронинг бошқа асл фарзандлари қаторида ўтган аср 30-йилларининг иккинчи ярмида халқ душманлигида айбланиб отиб ташланган. Аммо унинг ўлмас асарлари Ўзбекистон маданиятининг ноёб манбалари сифатида халқимиз илмий хазинасида абадий сақланади.

3.Боб. XIXаср охири – XXаср бошларида Бухоро шаҳрининг меъморий қиёфаси ва топографияси .

Бухоро ўзининг узоқ тарихи давомида фаол қурилиш ва қайта қурилишнинг бир неча босқичини бошидан кечирди. Қадимги давр иншоотлари замонлар ўтиши билан вайроналиклар ва янги қурилишлар остида қолиб кўп асрлик маданий қатламлар билан қопланган. Милоднинг биринчи асрларидаёқ Бухоронинг асосий ўзак қисмининг атрофи қалин девор билан ўралган. Девор йирик-йирик хом ғиштдан, баъзи қисмлари пахсадан кўтарилган. Меъморчилик тараққиёти VI-VII асрлар Бухоро Сўғди обидаларида яққол акс этган. VII асрда қурилган бухорхудот Будун саройи ҳам Аркда ўзига хос марказий қисм ҳисобланган. Наршахийнинг ёзишича, тархига кўра Катта Айиқ юлдузини эслатувчи мустаҳкам қозиқоёқлар қўйилгач, сарой бежавотир бўлган ва XII асргача сақланиб қолган.

Жаҳон меъморчилигининг шоҳ асарларидан бири – IX – X асрлар чегарасида барпо этилган Сомонийлар мақбараси Бухоронинг ўзига хос ўрта асрлар иншоотлари орасида алоҳида ўрин тутди. Сомонийлар мақбараси композициянинг улуғвор соддалигини, олд ва ички қисмлари умумий ишланмаларининг уйғунлигини ўзида намоён этади. Сомонийлар мақбараси меъморчилиги - заковатнинг тўсатдан намоён бўлиши эмас. Ундаги кўп жиҳатлар Сўғднинг исломдан олдинги меъморчилигидан олинган.

Бухоро обидалари орасида алпдек осмонга бўй чўзиб, шаклининг улуғворлиги ва тугалланганлиги билан киши ақлини лол қолдириб келган Минораи Калон (1127) бизнинг давримизгача етиб келган.

Қорахонийлар даври Марказий Осиё меъморчилигининг нафис намуналаридан яна бири Мағоки Аттори масжидидир. Мағоки Атторий масжиди шаҳардаги маҳалла масжидлари туркумига кирган.

XV аср Бухоро меъмортичилигининг буюк обидиларидан бири Масжиди Калондир. Археологик қазилма маълумотларидан аниқлаштирилишича, Қорахонийлар даврининг ана шу жоме масжиди мўғуллар даври боқинидан сўнг ёнғинни бошидан кечирган. Адабиётларда Шайбонийлар даврига мансуб деб қўтарилган янги катта масжид қурилиши XV асрда амалга оширилгани маълум. Ҳовли атрофида устун- гумбазли 208 та устун ва 288 та гумбаз бунёд этилган.

Темурийлар даврида йирик савдо растаси – Тоқи Заргарон бунёд этилган. XVI аср бошларида Ҳиротдан Бухорога келган Восифий “султон Улуғбек мадрасаси яқинидага чорсу” деб хотирлайди.¹ 1417 йилда Бухорода маърифатли подшоҳ Улуғбек томонидан унинг учта мадрасасидан (Бухоро, Самарқанд, Гиждувон) биринчиси бунёд этиди. Мадраса бунёдкорининг исми сақлқниб қолган – Исмоил бинни Тоҳир бинни Маҳмуд Исфохоний. У Амир Темур Эрондан олиб келган устанинг авлодидир. Дарвозанинг шу халқасига “Китоб дурдоналаридан баҳраманд бўлган одамларга Аллоҳ таоло раҳмат эшигини очгай” сўзлари ёзиб қўйилган.

Бухоро Шайбонийлар, кейин эса Аштархонийлар ўзбек давлатининг пойтахти бўлиб, XVI – XVII асрнинг биринчи ярмида тараққий топди. Бу ерда Убайдуллахон, унинг ўғли Абдулазизхон ва айниқса Абдуллахон II маҳобатли қурилиш ишларини авж олдиришади.¹⁰

XVI аср Бухоро меъмортичилигида асосий ривожланиш йўналишлари бўйича ҳар бири тақрибан уч ўн йилликни қамрайдиган учта қурилиш даврини аниқлаштириши мумкин.

Биринчи давр 1500 – 1530 йиллар Бухоро Убайдуллахоннинг қурилиш фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда ҳам Темурийлар даври меъмортичилиги анъаналари ҳам кучли бўлган, иккинчи томондан, Бухоро меъмортичилик

¹⁰ Бухоро Шарқ дурдонаси. Т. Шарқ. 1997. 98-99б.

мактабининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари шаклланган давр эди. Бу давр биноларини ҳали ҳам бой ва сермеҳнат нақш – кошинли сопол, йиғиа мозаика безатиб турган. XVI аср бошларида қайта қурилган Масжиди Калоннинг кириш қисми, Масжиди Баланд ва Хўжа Зайниддин масжид-хонақосининг зийнати шулар жумласидандир.

1530 -1560 йилларни ўз ичига олувчи иккинчи қурилиш даври қисман Убайдуллахон, асосан унинг ўғли Абдуллахон номи билан боғлиқ. Мазкур даврда Бухоро учун янги бўлган зилзилабардош конструкциялар қурила бошланган. Бундай қурилиш услуби илк бор Турки Жандий макбарасида қўлланган. Мир Араб мадрасасининг 1536 йилда қурилиши ҳам шу даврга оид. Иккинчи даврда асосан “қўш” усулида яъни олд томони бир-бирига қараган бир ўқда рўбарў жойлашган Бухоронинг йирик ансамбллари вужудга келади. Пойи Калон бош ансамбли фикримиз далилидир. Бу ерда 1536 йилда кўҳна йўлдан ажратиб чиқадиган майдонда Масжиди Калон рўпарасида “қўш” усулда Мир Араб мадрасаси барпо этилган. XIX – XX асрлар чегарасида жануудан шу майдонга Амир Олимхон мадрасаси туташди. Уч томони обидилар билан эгалланган Пойи Калон майдони ҳозиргача ўша кўринишда сақланиб қолган. 1535 йилда Шахристон жанубида ҳозирда бузилиб кетган Ғозиён ансамбли барпо этилган. У “қўш” композиция си бўйича бир-бирига рўбарў жойлашган Катта ва Кичик Ғозиён мадрасалари ва улар ўртасидаги Ғозиён ҳовуздан иборат бўлган. Ана шу ансамблдан фақат Катта мадраса сақлқниб қолганки, Мирзо Шариф Ғозиён мадрасаси деб юритилади.

Абдулазизхон I ҳукмронлиги даврида Бухоро янги муҳофаа девори билан ўралди. XVI асрнинг I I ярмида Абдуллахон сиёсий курашда уни қўллаган Жўйбор шайхларига миннатдорчилик сифатида Жўйбор туманининг ғарбий қисмини шаҳар ҳудудига қўшди. Бунинг учун Абдулазизхон қурдирган девор ғарбий қисмининг бир бўлаги бузилиб,

янгитдан беш дарвозали ҳарбий девор кўтарилди. Шундай қилиб, XVI аср охиридан то XIX асргача Бухоронинг 12 километрлик шаҳар девори 116 та юмалоқ ярим минора, 11 жуфт минора, душманни ён томондан ўққа тутувчи қалъа дарвозаларига эга эди. Дарвозалар эса пишиқ ғиштдан ишланди. 11 дарвозадан фақат икkitаси Абдуллахон I I Бухоронинг ғарбий деворида қурдирган Қоракўл ва Талипоч дарвозалари сақланиб қолган.

Учинчи қурилиш даври 1560-1590 йилларни ўз ичига олиб, у Абдуллахон I I нинг кучли бирлаштирувчилик ҳокимиятига боғлиқ равишда давлатнинг барқарорлашуви туфайли XVI аср қурилиши ва меъморчилигида юксалишнинг энг юқори чўққисига тўғри келади. Бухоро меъморчилиқ мактаби фаол шаклланди, диний бинолар – масжид, мадраса, хонақоҳ, шунингдек фуқаролик иншоотлари : тим, тоқ, карвонсарой, ҳаммом, ҳовуз, сардоба, кўприк ва ҳоказоларнинг типлари мукаммалашди.

XVI аср бошларида мўл бўлган нақш, иккинчи ва учинчи қурилиш давларида камроқ қўлланилди. Бундай нақшинкор қопламалар эндиликда қимматбаҳо киритмалар тарзида асосан бинонинг олд томонида, ҳовли айвонларида, равоқли безакли тоқчаларда тўпланган. Бинолар ички томонини безатиш соддалашди : сермеҳнат сиркор нақш ўрнига самарали икки хил рангли ганч ўймакорлиги “қирқма” ва “часпак” киритилди.

Бухоро меъморчилиқ мактаби қиёфаси мустаҳкамланди: пештоқ таҳмонлари қиррадор шаклга эга бўлиб, юқорида ярим гумбаз тарзида тугалланди. Бухорода Марказий Осиёда илк бор бино олд томонида равоқ пешайвони ташқарига қаратиб қуриладиган бўлди.

Учинчи даврда ҳозирга қадар сақланиб қолган икки йирик ансамбл таркиб топди. Абдуллахон I I томонидан XVI аср охирларида шахристондан ғарбда қурилган Модарихон ва Абдуллахон мадрасаларини “қўш” композициянинг мумтоз мисоли сифатида келтириш мумкин. Говкушон

ансамбли композициянинг бошқа бир тамойилини ривожлантирди. Бу ерда паралел ўқда ёнма-ён жойлашган Говкушон мадрасаси ва Говкушон минорали Хожа масжиди ўзларининг бош олд томонлари билан Говкушон ҳовузи бўлган кичик бир майдонга қараган ҳолда бунёд этилган. XVI аср Бухоро меъморчилигидаги учала қурилиш даврининг асосий ривожланиш анъаналари умумий тарзда шулардан иборат.

Масжидлар меъморчилигига эътибор қаратсак, гузар, маҳалла масжидлари сон жиҳатдан кўп бўлиб, XVI асрда масжидлар сони 100 дан ортган. Бухоро меъморчилиги хонақоҳ тарзидаги меъморчиликнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди, бу ҳол XVI асрнинг II ярмида жуда яққол намоён бўлади. Умуман олганда “хонақоҳ” дарвишхона вазифасини бажарувчи сўфийлар масканидир. XVI аср ўрталаридан Бухоро воҳасида янги Хуросон ва эҳтимол, Самарқанд вилоятида XV асрда мавжуд бўлганянада маҳобатли хонақоҳлар кенг тарқалди. Камдан-кам ҳолларда хонақоҳ марказий шаҳар ансамблининг қисми ҳисобланган. Масалан, Бухородаги Лабиҳовуз ансамблининг Нодир Девонбеги хонақоси (XVII аср) шулар жумласидандир. Янги тарздаги пештоқ гумбазли хонақоҳлар ичида уларнинг тархига кўра уч турини ажратиш мумкин:

Марказий композицияли – Баҳоуддин Нақшбанд (қурилишнинг 2-босқичи); Карманадаги Қосимшайх; Ёйдувон туманидаги Деҳқонбобо; Бухородаги Муҳаммадёр Оталиқ хонақоси;

Фронтал композицияли – Файзободда, шунингдек Баҳоуддин Нақшбанд қабри ёнидаги хонақоҳ қурилишининг биринчи босқичи;

Бойлама ўқли - Ромитандаги Ҳаким Мулла Мир, Бухородаги Нодир Девонбеги ва Сумитондаги Чор Бакр хонақоҳлари.¹¹

¹¹ Бухоро Шарқ дурдонаси. Т. Шарқ. 1997. 98-99б.

XVII аср I ярмида Бухоро меъморчилигида Абдуллахон I I даврида эришилган ютуқлардан кам фойдаланилди. Темурийлар даври анъаналарига тақлидан, қимматбаҳо безакларга ружу қилиш яна қайтиб келди, лекин шу билан бирга йирик шаҳар ансамбллари ривожлантиришнинг белгиланган илғор йўналиши давом этди. Бухородаги Имомқулихон ва унинг жияни Абдулазизхон II даврида қурилиш ишлари фаол олиб борилди. Масалан, 1620-1622 йилларда XVI аср Кўкалдош мадрасасидан жанурукда жойлашган майдон чеккаларда олий мартабали амалдор Нодир Девонбеги тоғай бир ўк бўйлаб, хонақоҳ, йирик ҳовуз ва кўркем ансамбл бўлган Лабиҳовуз юзага келди. Нодир Девонбеги хонақоси (1620) ушбу тур учун анъанавий бўлган бойлама ўқли, кўпхонали, пештоқ-гумбазли бинодир. Ҳар томонлама идрок этишга мўлжалланган бу бинонинг тўртала ташқи юзаси пишиқ ғишт асосида бўртма деталлар билин ишланган. Нодир Девонбеги мадрасаси (1622-1623) дастлаб касвонсарой тарзида қурилган. Шунинг учун ички ҳовлиси атрофида хужралар қурилган бу иншоотнинг квадратга яқин тархида мадраса учун хос ҳовли айвонлари, масжид ва дарсхоналари йўқ.

Абдулазизхон даврида Бухорода бир қанча йирик мадрасалар – Миракон (1650-1652), Абдулазизхон (1651-1652), Хиёбон (1654-1655), Бозори Ғўсфанд (1669-1670) ва бошқалар қурилган. Булар орасида енг йириги ва таъсирчани Абдулазизхон мадрасаси бўлиб, у Улуғбек мадрасаси билан “қўш” композицияни ташкил этади. Бу Бухорода сақланиб қолган қўш мадраса ансамблларида иккинчиси дир.

Булардан биринчиси Модарихон – Абдуллахон мадрасаси бўлиб, XVI аср охиридаёқ қурилган.

XV аср деворлари чегараларида бизгача етиб келган Арк XVII асрда – Аштархонийлар даврида ва XIX аср охири XX аср бошларида – Манғитлар даврида тубдан қайта қурилди. Бу даврда у 18 метр тепаликда бунёд этилган, майдони 2.5 гектарни ташкил этган девор доирасидаги кўп ҳовли ва кўп

вазифали сарой мажмуасидан иборат бўлган. Дастлаб Аркнинг икки дарвозаси бўлиб улар асосий катта аўча орқали туташган. Шарқий Дарвозаси- “ғуриён” деб аталган, ғарбийси Регистон рўпарасида. XVII асрда шарқий дарвоза беркитиб ташланган, ғарбай дарвоза эса қайта қурилган. Манғит амирлари даврида (XIX аср охири – XX аср бошларида) Аркнинг ғарбий деворлари ғиштдан қурилган, қалъа ичидаги турар жой янгиланди, бу ерда шимол-жануб ва ғарб-шарқ ўқлари бўйича ўтувчи иккита хочсимон кесишувчи магистраллар ўтган. Сўнги даврларга оид синчли қурилишларнинг деярли ҳаммаси Бухоро амирлигини ағдаришида 1920 йили Арк артилериядан ўққа тутилганда ёниб кетган.

Жануб томонда жойлашган (ҳозирда сақланмаган) Тоқи Тиргарон ва Тоқи Ордфурушон савдо гумбазлари Регистоннинг савдо марказлари бўлган. Улар ўртасида Хожа Ниҳом мадрасаси жойлашган. Аркнинг ғарбий девори бўйлаб кираверишида ўнг томонда олди учта паст пештоқли Пояндабий Оталиқ масжиди жойлашган. Аркка кираверишда чап томонда 1682 йилда Субҳонқулихон “тажрибали шифокорлар жойлашиб, беморларни даволаш учун шифохонага (дорух - шифо) мўлжалланган бино қурдирди”.

Майдон шимол томондан икки қаватли Бозори Гўсфанд мадрасаси (1670) ва Уста Руҳи хонақоси билан, ғарб томондан Болоҳовуз хонақоҳ – масжиди ва бир қаватли баланд гумбазли Шодимбий мадрасаси (XVII аср) билан ўралган. Ҳозирги вақтда Регистон майдонидаги иншоотлардан фақат икки қарама-қарши иншоот: улкан монументал Арк қалъаси ва меъморчилиги ҳамда безатилиши нафис бўлган Болоҳовуз хоноқоҳ – масжиди сақланган. Болоҳовуз хоноқоҳ – масжиди гумбазли қишки зал (1712) в унинг олдида жойлашган устунли айвон (XX аср бошлари)дан иборат. Дастлаб у 1712 йилда Абулфайзхоннинг онаси Биби Ойхоним маблағига қурилган мадраса ва хоноқоҳ – масжиддан ташкил топган мажмуа эди. 1914-1917 йилларда бино тўлиқ таъмирланганда, унинг ён томонига

Қурбон Йўлдошев, усто Ғулом Қоровулбеги ва усто Масжид Солиҳовлар томонидан узун ва жуда баланд устунли айвон қурилган. 1917 йили бухоролик уста Ширин Муродов масжид ва унинг олдидаги ҳовуз қаршисида кичикроқ минора барпо этган.

XVIII – XX аср бошларига оидбошқа диний иншоотлар айтарли катта ва улухвор эмас. Бу даврда монументал бинолар қурилиши ҳажми қисқарди асосан бир – уч томони устунли айвонлар бўлган кичик маҳалла масжидлари баъзан унга туташган ҳовлиси бўлиб, унга мактабхона ҳужралари ёки сўфи ҳужраси жойлашган. Яна устунли айвони бўлган илк турдаги хонақоҳлар қурила бошладики, улар гузар яъни маҳалла масжиди вазифасини бажарган.

XVIII – XX асрлар сўфий мажмуалари муайён аҳамият касб этади. Бунга кўра, ҳовузли ички ҳовли атрофида ҳужралар бўлиб, илк турдаги хонақоҳ биноси ҳовли бурчагини эгаллайди. Халифа Худойдод, Халифа Ниёзқули суфий мажмуалари шулар жумласидан. Бошқаларига нисбатан Халифа Худойдод мажмуаси яхши (1777) сақланган.¹²

Халифа Ниёзқули мажмуаси меъморчилиги ҳам нисбатан яхши сақланган. Бу ерда хонақоҳ зали гумбазли эмас, устунли бўлиб, ҳовлисида сардоба ўрнига катта ҳовуз қурилган. Ҳозирда бу мажмуа ҳажмий ечими бўйича ғоат манзарали кириш қисмигина сақланиб қолган. Бурчакларида ҳаворанг куббали тўртта мўжазгина миноралари бўлган дарвозахона икки қаватли кубсимон гумбазли иншоот тарзида ишланган. Ёдгорликнинг номи унинг тўрт миноралигидан Чор Минор деб аталади. Дарвозахона тепасида иккинчи қаватда кутубхона бўлиб, миноралардан бирига ўрнатилган зина орқали чиқилган. Бу мажмуа анъанавий услубда 807 йилда қурилган деб ҳисобланади. Аммо О.А. Сухарева олиб борган тадқиқотларга кўра у XVII

¹² Бухоро Шарқ дурдонаси. Т. Шарқ. 1997. 1016.

аср охирига доир вақф ҳужжатларида тилга олинган. Эҳтимол, сўнгги айтилган сана мажмуага асос солинган вақт бўлиши мумкин.

Бухорода аҳоли турар жойлар учун ривожланган ўрта асрлардаёқ маҳаллий қурилиш табиё – иқлимий шароитларга мос ўз маҳаллий қурилиш усули ишлаб чиқилган. У асосан синчли бир уч қаватли, кўча томони деярли яланг девор, сомонсувоқли уй бўлган. Ташқи томондан айтарли кўримли бўлмасада, уйларнинг ички қисми манзарали ҳажмий композицияси ва бетакрор бадий безатилиши билан фарқланиб турган. Бухоро уйи Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларида бўлганидек, икки ёндош – ички ва ташқари ҳовлини бўлиб, уй ва хўжалик хоналари ҳовли атрофида жойлашган. Биринчи ҳовли – ташқари шу хонадонга йўқлаб келганлар билан учрашиш ва меҳмон кутиш учун, иккинчиси – ичкари оила аъзолари учун хизмат қилган. Бухородаги бадавлат хонадонларда учинчи ҳовли – саисхона (отхона билан бирга) ҳам бўлиб, у ташқари ҳовли билан боғланган.

Бухороликларнинг уйлари ўзига хос хусусиятга ҳам эга эди. Истиқомат қилинадиган уйлар истисносиз қуёш ёруғлиги тушадиган томонга: ёзлиги шимолга, қишлиги жанубга қаратиб қурилган. Ҳар икки ичкари ва ташқари ҳовлиларнинг жанубида шимол томонга йўналган ҳолдаги ёзлик меҳмонхоналар бўлган. Бадавлат хонадон уйларининг ички қисмининг ҳашамдор беагини ганч сталактитлар муқарнаслар, идиш-товок қўйиладиган жимжимадор токчалар, аксарият гулдонда гуллаб турган бута тасвирлари нафис деворий расмлар ташкил этган.

Бадавлат шаҳарликлар ва йирик савдогарларнинг Бухоро учун хос меъморий уйларида бой савдогар – чет елга Бухоро қорақўли етказиб берувчи Файзулла Хўжаевнинг отаси Убайдуллоҳ хожининг уйини кўрсатиб ўтиш мумкин. Саройлардан энг яхши сақланиб қолганларидан бири амирнинг шаҳардан ташқарида жойлашган Ситораи Мохи Хоссадир.1911-

1914йилларда Бухоро усталари муҳандис Маргулис лойиҳаси бўйича учта бино : қабуллар саройи ,шахсий бино ,ҳарам қуришди.Саркор Мирзо Утомиддин бошқариб турган бу қурилишда усто Абдурахим Ҳаётов,усто Ширин Муродов,гилкорлар – Хўжакул ,Ҳожиқурбон,ёғоч ўймакорлари Қори Чубин, Абдуғофур, наққош Ҳасанжон иштирок этдилар.¹³ Айвон ва Оқ зал 1912-1914 йилларда қурилди,ҳовуз ёнидаги бино эса 1917-1918 йилларда бунёд қилинди.

XIX аср охирида Бухородан Закаспий темир йўли ўтказилиши билан бу ерга йирик банк капитали кириб келган. Шаҳарда шу муносабат билан банк бинолари, дорихоналар, иккита касалхона, почта – телеграф идораси, вокзал, шаҳар, марказида иккита савдо тими қурилди. Мазкур бинолар европача меъморчилик услубида эканига қарамай, ташқи томонларининг гиштинлиги туфайли шаҳарнинг тарихий бинолари билан уйғунлашади. Шаҳарнинг баъзи кўчаларига тош ётқизилди. Амирнинг Когондаги саройи энг йирик ва кўркам бино бўлиб, таъсирчан меъморчилик услубларида ишланган. “Зодчий ” журналининг 1896 йилги сонларидан бирида шу сарой лойиҳаси берилган. Лойиҳа “меъмор Алексей Бенуа” томонидан тузилган. Шундай қилиб, ана шу улкан иншоотнинг муаллифи Туркистонда машҳур бўлган, ғоят истеъдодли меъмор А. Бенуадир.¹⁴

Бухоронинг ҳозирги тарҳини структура жиҳатидан уч қисмга бўлиш мумкин:

- 1) Ўрта аср тарихий шаҳри.
- 2) Шаҳарнинг XIX – XX асрларда қурилган шарқий ва шимолий қисми.
- 3) Қурилиши XX асрда бошланган ва ҳозиргача давом этаётган жанубий қисми.

Бухоронинг янги шаҳар маркази унинг қадимий қисмидан жануброқда шакллана бошлади.

^{13 13} Бухоро Шарқ дурдонаси.Т.Шарқ.1997. 98-99б.

¹⁴ Бухоро Шарқ дурдонаси.Т.Шарқ.1997. 109-110б.

Л.И.Ремпел ўзининг илмий тадқиқотлари натижасида Бухоро шаҳрининг топографиясига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Ремпелнинг маълумотларига асосланиб Бухоро шаҳрининг қадимий тарихи, унинг топографияси, хариташунослик соҳасида олиб борган ишларини кўриб чиқамиз.

Бухоро арки мустаҳкам юксак ҳашамат билан қурилган. Умумий майдони тахминан 4,2 гектар бўлган. Унда иккита дарвоза бўлган. Уларнинг биридан Шаҳристонга чиқиш мумкин бўлган. Иккинчисидан эса работга чиқиш мумкин бўлган.

Арkning ғарбий дарвозаси Регистон дарвозаси дейилган. Кейинчалик уни Алаффурушон дейишган. Ҳозирда эса Арки Олий дейилган. Ҳозирдагига ўхшаб бозор майдони – Регистонга олиб чиққан. XV асрда мавжуд бўлган шарқий дарвоза (гуриян) жанубий шарққа чиққан яъни Шаҳристоннинг ғарбий дарвозасига олиб чиққан. Арк дарвозалари ўртасида кўчалар ўтган. Арк кўрғонининг бир қисмини амирнинг амалдорлари ва амир яшайдиган жойлар бўлган. Бу ерлар еттинчи асрда Бухорхудот Билион томонидан қурилган. Қадимий Шаҳристон арkning шарқ томонида жойлашган¹⁵.

Шаҳар тўғри тўртбурчак шаклда бўлиб 30-35 гектар майдонни эгаллаган. Унда иккита магистрал йўл бўлиб шаҳарни тўрт қисмга ажратган. Чорраҳадан жанубга Атторон дарвозаси орқали йўл Хуросонга кетган чорраҳанинг шимолида Ҳақруҳ (Куфра) дарвозаси орқали йўл Самарқандга кетган. Чорраҳадан шарқда Дур (Найи) дарвозаси орқали Насафга кетган.

Шаҳристонда яна Аркга ва Регистонга чиқувчи дарвозалар бўлган. Бу дарвозаларнинг номи: Банисад дарвозаси, Баниасад (Мухра) дарвозаси, Қўҳандиз дарвозаси ва Темир дарвозалар бўлган.

Шаҳристоннинг шимолий чегараси зиндоннинг шимолий чегаралари бўйлаб кўрғонгача бўлган. У ҳозирда Авлиё Ғариб номи билан машҳур. Шаҳристоннинг жанубий чегараси қозикалон уйидан бошланиб иккинчи тоқ

¹⁵ Л. И. Ремпель. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. Институт искусствознания Академии Наук УзССР. Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1961.- С.26.

шимоли бўйлаб туркман мадрасасигача борган. Шарқий чегараси Самарқанд кўчасига ёнма-ён равишда бўлган¹⁶.

Ғарбий чегараси зиндондан жанубга тахминан Масжиди Калоннинг ғарбий деворлари бўйлаб ва йирик бой Муҳиддин Мансуровнинг уй деворлари бўйлаб кетган. Работ ҳудудида кўчалар Регистон ва бозордан келган, Работ деворлари ичида кўчалар халқаси бўлган. 849-850 йилларда Работнинг биринчи деворидан кейин яна битта ташқи девор қурилган. Бу девор Арк ва Шаҳристонни битта халқага жойлаштирди. Работ деворлари ҳозирда сақланмаган. Лекин Работнинг иккинчи девор чегаралари ва унинг 11 дарвозаси, қадимий дарвозаси қабристонлар халқаси бўйлаб жойлашган.

Ҳозирги вақтда шаҳар ичкарасига жойлашган. Араблар босқинининг дастлабки йилларида Работнинг ички деворлари ўз аҳамиятини йўқотади ва бузиб ташланган. Шунинг учун ҳам деворларнинг қолдиқлари қолмаган. XII-XIII асрларда Бухоро тарихида шаҳар ҳаётида янги ўзгаришлар бўлган. 849-850 йилларда қурилган Работнинг ташқи деворлари VII асрда бузиб ташланган ва кўп вақт ўтмай Арслонхон Муҳаммад томонидан, кейинчалик Тамғач Масуд (1165) томонидан ғиштдан тикланган. Бу ғиштлар олдин Қорахонийлар томонидан кейинчалик Хоразмшоҳлар томонидан (1139), вайрон қилинган Арк деворларидан олинган. Бир қанча вақтдан кейин Арк деворлари Хоразмшоҳ Муҳаммад (1169) томонидан тикланган, лекин 1220-йилда Чингизхон томонидан Арк ва Работ деворлари яна вайрон қилиниб, бузиб ташланган. Кейинчалик улар мўғуллар томонидан тикланган, лекин яна бир неча марта бузилган ва тикланган.

XVI асрда Работ деворлари шаҳар ичкарасида жойлашган. Бу даврда ўзбек хони Абдулазизхон сўнгра Абдуллахон (1557-1598) шаҳарда реконструкция ишларини олиб борадилар. Шаҳарнинг бош савдо магистраллари кесишадиган жойи Шаҳристон чорраҳаси дейилган. Унда

¹⁶ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. – С.69.

Тоқи Заргарон бунёдга келтирилган. Марказий гumbаз тагидан ўтувчи йўллар айланиб ўтувчи йўллар билан тўлдирилган. Яна шундай битта гumbаз Шахристоннинг жанубий дарвозасидаги бозорда қурилган. У ҳам айланиб ўтувчи йўллар билан қурилган. Буни Тоқи Телпакфурушон деб атаганлар. Абдулазизхон янги Работ деворларини қурдиради. У қурдирган деворлар шаҳарнинг кейинги вақтдаги деворлари ҳисобланарди. Кўп вақт ўтмай, Абдулазизхон деворларининг ғарбий қисми Абдуллахон томонидан йиқитилиб, янги хиёбон бунёд этилади. Янги деворлар ғарбга, деворларнинг кейинги пайтдаги чегарасигача шаҳар ичидаги қудратли Жўйбор шайхларининг йирик мулкларини ўз ичига олган ҳолда силжитилган. Шу вақтда Шайх Жалол, Қоракўл, Ширгарон, Талипоч дарвозалари қурилган бўлиши мумкин.

ХИХ аср охири ХХ аср бошларида шаҳар деворлари Бухорони халқа шаклидаги бутун иншоотлар билан ўраб олган. Унинг кирувчи ва чиқувчи бурчаклари бўлган.

Ҳарбий инженер И.Т.Пославскийнинг фикрича, шаҳар дарвозаларини бундай қурилиши ҳеч қандай топографик хулосаларга асосланмаган¹⁷.

Шаҳар деворлари пахсадан қурилган ва қатма-қат қилиб, яъни, бир қавати қуригандан кейин қуриган қаватнинг устига иккинчи қават сувалган. Деворларнинг ички томони сувоқ қилинган. Деворларнинг тепасидан барбетлар ўтган. Айрим жойларда уларнинг кенглиги бир ярим, икки метр бўлган. Бир неча таъмирлаш натижасида унинг ўлчами қисқарганлиги сабабли унинг устидан ҳимоя қуролларини олиб юришни иложи бўлмаган. Бу деворлар шаҳарни ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажарган. Жангчилар девор устидан туриб душманга қарата тошлар, кўзачаларни душманга қарата улоқтиришган, шу тариқа душмандан шаҳарни ҳимоя қилишган. Ярим минораларга кучлироқ қуроллар ўрнатилган. Тахминан 12 кмга чўзилган

¹⁷ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. — С.175.

шаҳар деворлари 116 та ярим миноралардан иборат бўлган. Бундан ташқари 11 та икки минорали дарвозалари бўлган. Шайх Жалол дарвозасида XVI асрнинг мозаикали безаклари сақланган, қолган дарвозалар қайта таъмирланган. XIX асрда Бухорода қуйидаги дарвозалар бўлган: Дарвозаи Қавала (Қарши дарвозаси), Дарвозаи Мозор - шарққа олиб чиқувчи дарвоза, Ҳазрати Имом, Дарвозаи Саллахона ва Дарвозаи Намозгоҳ - бу дарвозалар жанубга олиб чиққан¹⁸.

Шундай қилиб, XIX асрда Бухоронинг архитектура қиёфаси асосан ХВИ асрдаёқ шаклланган эди. Бу даврда охириги йилларгача мавжуд бўлган шаҳар деворлари қурилган эди. Бозор гумбазлари (чорсулар) қурилган эди.

Йирик қурилиш ансамбллари Пойи Минор, Заргарон, Қўшмадраса, Лаби Ҳовуз ансамбллариининг қурилиши тугалланган. Йирик ҳовузлар: Хўжа-Зайниддин ҳовузи, Девонбеги ҳовузи, Нав ҳовузи, Хўжа Калон ҳовузлари қурилган.

Шаҳарнинг ер ости ариқлари кенгайтирилган ва тартибга солинган. Бундан ташқари Бухородаги эски ҳаммомларни сув чиқиб кетиш иншоотлари қурилган. Шаҳар асосини ташкил этувчи унинг кўчалари, жамоатчилик марказлари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган жойлар шаҳарнинг ривожини белгилаб турарди. XIX-XX асрлар Бухоро шаҳарсозлик кўринишида қадимий магистраллар ўзгармай қолди. Лекин уларнинг айримлари ўз функциясини йўқотди, айримларининг кўриниши ўзгарди. Манғит амирлари ҳукмронлигининг (1785-1920) сўнгги йилларида деҳқонлар ҳисобидан бойиган маҳаллий йирик савдогарлар ўсган бўлса-да, бу даврда чуқур иқтисодий инқироз ҳукмронлик қилган. Шунингдек, маданий тараққиёт ҳам шу аҳволда эди. Шаҳарнинг қадимий магистраллари сақланган аммо, улар ўз аҳамиятини йўқотган ёки вазифаси ўзгартирилган.

¹⁸ Л. И. Ремпель. Архитектурный орнамент Узбекистана. История развития и теория построения. Институт искусствознания Академии Наук УзССР. Ташкент: Гослитиздат УзССР, 1961.- С.178.

Шаҳристон марказидан (Тоқи Заргарон) шимолга боровчи кўча (шоҳ кўча) фақат Пахта ссаройига олиб борган. Бу йерда қачондир мавжуд бўлган ўн икки дарвоза ўрни бўлган.

1887-йилда Когон орқали темирўлнинг ётқизилиши, пахта, қорақўл тери, газлама каби маҳсулотлар ҳаракати ҳам худди шу йўл орқали бўлган. Айрим катта кўчалар фақатгина санокли кунларда: аҳоли шаҳар ташқарисидаги масжидларга борадиган кунларда жонланган. Ҳафтада бир марта Ҳазрати Имом мазорига олиб боровчи Имом дарвозаси бўйлаб ҳам ҳаракат жонланган (Жума номоз кунлари)¹⁹.

Сешанба ва чоршанба кунлари Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига олиб боровчи Мозор дарвозаси орқали ўтадиган йўлда ҳам одамлар гавжум бўлган. Чор Бакрга боровчи мусулмонлар билан эса Ширгарон йўли тўлиб тошган.

Бошқа барча катта кўчалар ўз ҳаёти билан яшаб, шаҳарнинг асосий ҳаракатларидан четда бўлган. Буларга Шаҳристоннинг шимолида жойлашган Бозори Чўп, Хиёбон мажмуаси (Регистондан Жўйборгача), Жўйбордан Қорақўл дарвозасига элтувчи ва марказдан энг четда жойлашган йўл. Бу ҳудудга марказдан узоқда бўлиш ўзига хос алоҳидалик (мустақиллик)ни берган эди. Айрим магистралларнинг архитектура қиёфаси уларнинг қурилиши билан ҳам белгиланарди. Хусусан, бозорлар тартибсиз қаторлардан иборат бўлиб, ҳунармандчилик расталари ҳам аҳоли яшаш ҳудудлари билан тутшиб, қўшилиб кетган эди. Аммо ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари унинг асрий архитектура ансамллари билан узвий боғлиқ эди.

Лаби Ҳовуз ҳудудининг архитектура қиёфаси XVI-XVII асрларда шаклланган. Ундан сўнг жиддий ўзгаришларга учрамаган. Бу ансамбл уни томоша қилувчилар кўз ўнгида қадам-бақадам ўз сирларини очиб борган.

¹⁹ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. — С.189.

Унда жойлашган ёдгорликлар бирин-кетин намоён бўлган. Лаби Ҳовуз ансамбли таркибида шаҳарда йирик мадрасалардан Кўкалдош (1568-1569), унинг ёнида кўримсизгина Қози Калон Насриддин мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси (1622) ва Хонақоси (1620) улар орасида ўша даврда барпо этилган Нодир Девонбеги ҳовузи ҳам жойлашган.

Лаби Ҳовуздан Регистонгача бўлган асосий магистралларда гумбазли савдо иншоотлари жойлашган. XIX аср охирида уларнинг сони 5 та эди. Ҳозирги кунда 3 та.

Биринчиси - Тоқи Саррафон (16 аср) жанубий чегарада Араб бозоригача давом этган. Қурилишидаги асосий хусусияти тўртта йирик бири билан кесишувчи аркалар (тоқлар) улар чортоқ номини олган.

XV асрда илк бор Самарқандда бу қурилиш усули қўлланган ва кейинчалик Бухоролик усталар қўллашган²⁰.

Иккинчи савдо гумбази - Тоқи Телпакфурушон XVI асрда Шаҳристоннинг жанубий дарвозалари ортида қурилган. Унинг думалок гумбази 12 қиррали барабан ва 6 қиррали девор билан мустаҳкамланиб бу деворлар бир неча кириш ва чиқишда тирбандликнинг олдини оловчи йўллар билан боғланиб кетган.

Учинчи гумбаз - Тоқи Заргарон, Тоқи Телпакфурушонга ўхшаб кетади. Аммо 16 қиррали барабан аркалар ёрдамида 8 қиррали аркаларга туташиб кетган. Тоқи Заргарон гумбазлари тагида қадимий Шаҳристоннинг магистрал йўли ўтган. Унинг шарқий қисмида Мирзо Улуғбек (1412) ва Абдулазизхон (1652) мадрасасидан иборат ансамбллар қад кўтарган. Улар орасидан эса торгина майдон ва супалар бўлган.

Тоқи Заргарондан Регистонгача бўлган йўлнинг ғарбий қисмида Бухоронинг энг машҳур Пой Минор ансамбли жойлашган. Бу ансамбл 1127-1129 йилларда қурилган Минораи Калон, 1535-1536 йилларда қурилган Мир Араб ва Калон масжидидан иборат. Бу ансамбил ўзига хос чўнтак майдон

²⁰ http://ru.wikipedia.org/w/index.php?title=Ремпель,_Лазарь_Израилевич&oldid

кўринишига эга. Икки томондан ўта бақувват пештоқларга эга ансамбл ёпик майдон хусусиятига эга. Ундан сўнг Пой Минор ансамблидан сўнг Арк олдидаги Регистонга туташган бозор мажмуалари жойлашган.

Бу ерда жуда кенг майдонга йўл очилган. Майдон шарқий томондан жуда баланд деворлар билан ўралган Аркга бориб тақалган (Олимхон замонида девор сиртини пишиқ ғишт билан безаш бошланган эди)²¹.

1697 йилда қурилган Дорул Шифо мадрасаси ҳам баланд ва ихчам дарвозаси билан қалъа бўйида жойлашган. Пояндабий Оталиқ масжиди эса учта паст юзаси бўйича жойлашган. Равоқлари билан мадрасага ўхшаб шарқий томонни безаб турарди. Ғарбдан Аркка қарама-қарши томонга Боло Ҳовуз масжиди (1712) баланд ва ихчам айвонга эга эди. Унинг ёнида кичкина минора ва бир қаватли Шодимбой мадрасасига (XVII аср) ёнма-ён жойлашган ҳовуз ҳам бўлган. Бу мадраса мактаб биносига ўхшаб кетадиган гумбазга эга эди. Майдон шимол томондан икки қаватли бозор, Гусфанд мадрасаси (1670), жануб томондан эса унга қарама-қарши бўлган Хўжа Нихол мадрасаси ўраб турарди. Унинг ортидан ўз қурилиши бўйича Тоқи Заргаронга ўхшаб кетадиган катта тўртинчи гумбаз - Тоқи Тиргарон ва кичикроқ бешинчи гумбаз - Тоқи Ордифурушон кўриниб турган. У қурилиши бўйича Тоқи Саррафонни эслатган.

Регистондан хиёбонга чиқиш йўлида ҳозиргидек бир-бирига қарама-қарши жойлашган Кўшмадраса Абдуллахон (1589) ва Модарихон (1566) жуфт жойлашган.

Хиёбонда худди шу номдаги ва ёнида ҳовузи жойлашган мадраса мавжуд бўлган. Хиёбон марказий Жўйбор магистралига чиқишда бир-бирига қараб бир қаватли аммо ўзига яраша уйғун ҳолатдаги Жўйбор Калон (1671) мадрасаси ва Жумахоний Волида мадрасаси жойлашган.

²¹ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. – С.102.

Кейинги мадраса олдида тут дарахтлари билан ўралган Ҳовузи Нав ҳам мавжуд эди. Юқорида айтилган бинолар ансамбллари ўзига хос миноралар, деворлар аҳоли яшаш ҳудудлари билан туташган ҳолда шаҳарнинг архитектура кўринишини ташкил этарди. Шаҳарда охириги икки аср ичида қурилган барча бинолар ананавий қурилиш усуллари қўллаган ҳолда қурилган. Шу билан бирга ташаббускорлик ва улуғворлик руҳини акс эттирган. Янги қурилишлар эскиларга ёнма-ён ҳолатда жойлашган. Хусусан Абдуллахон ва Абдулазизхон мадрасаларига ёнма-ён ҳолда, Амир Бадарбеги Нав, Бадарбеги бозори Алоча, Абдушукурбой, Мавлоно Мискин каби ихчам мадрасалар зич ҳолатда жойлашган²².

Уларнинг кўпчилиги қатнов қисмида эмас, балки тўсатдан бўшаб қолган ҳудудларда тартибсиз жойлашган эди. Олд томони билан улар майдон билан деворлари уйғунлик касб этмаган. Уларнинг барчаси шаҳар режасига кирмаган ва ўз-ўзича мавжуд бўлган. Сўнги асрлардаги шаҳарсозликнинг хусусияти ҳам ана шу билан белгиланади²³.

Шуни тан олиш керакки, шаҳар қурилишида бу ҳолат XIX аср Бухоросига ўзига хос такрорланмас қиёфа бахш этиб бўлган. Асрлардан бери сақланиб келинаётган жуфт ҳолатда қуриш (қўш) қўлланиб келинган. Аммо бу қўлланиш ҳам хилма-хил бўлган.

Чунки зинали ва тошдан қурилган ҳовуз фақат хонақо билан унинг олдида жойлашган майдон эса фақат мадраса билан уйғундир. Аммо иккала бино ҳам бир қаторда жойлашган. Кўкалдош мадрасаси майдонга нисбатан кўндаланг жойлашган. Бу ҳолатда гоҳ бир гоҳ бошқа режани кетма-кет қўллаш орқали ансамбл кўринишини босқичма-босқич бойитиб беришни учратиш мумкин. Регистон майдони бўйлаб ҳам жуфт, икки қатор йўл - бири Арк деворлари олдидан, уч қуббали Пояндабий Оталиқ мадрасаси ёнидан

²² Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. – С.122.

²³ <http://www.rujen.ru/index.php>.

ўтадиган; иккинчиси - Аркга қарама-қарши Шодимбой мадрасаси бўйлаб ўтган. Майдоннинг тор томони бўйлаб бир-бирига қарма-қарши Ниҳол мадрасаси ва бозори Гусфанд мадрасаси жойлашган.

Кўриниб турибдики, ҳар бир қурилиш алоҳидалик билан бирга ўша жойнинг шароитларини ҳисобга олиб, ўрта аср шарқона архитектура принципини эслатувчи ўзига хос анъанавий "бир қарашда илғаб олишни" ўзида акс эттирган. Бу ҳолатни санъат даражасида дейиш қийин. Аммо ҳар бир қурилиш эркин бўлмай, балки умумий ҳолатда оқилона кўринишда бўлганлиги учун томоша қилувчи кўз ўнгида тез ўрганувчан хилма-хилликни акс эттиради. Қурилишдаги "қисқа истиқбол" кенг кўриниш билан тўлдириб борилган. Бу ҳолатда қўш ансамбллар ўзларининг кенг супалари билан кўчаларни сиқиб турувчи учинчи бино билан хусусан Улуғбек ва Абдулазизхон ва Тоқи Заргарон билан узвий равишда бўлган.

XIX аср охири XX аср бошидаги Регистон ягона ва тартибли меъморчилик йечимларига тўлиқ жавоб бермасида, аммо бир-бири билан қўшилиб кетган бир қатор шаҳар қурилиши режаларининг натижаси эди. Бунда такрорийлик талаби, режалар симметрияси умумий кўриниш ва ҳажмда ўз-ўзини безатиб берган тасодифийлик ҳолати ҳам бу қурилишларда мавжуд эди. Ҳар бир ҳолатда аниқ шароитдан кўчалар йўналиши ҳудуд кўринишидан келиб чиқилган.

Бу эса Девонбеги мадрасаси ён деворлари ва Модарихон мадрасасини олд кўринишида ўз аксини топган. Шаҳарнинг асосий магистраллари бозорлар бўлиб, шунга монанд номга ҳам эга эди. Магистралларнинг бир қисми айнан кўчалар деб номланган. Бу "номкуй" ёки кўча деб юритилган. Хусусан, Куйи Дарахт, Кўчайи Боғ ёки проспект (хиёбон) паст кўча ва берк кўчалар (пешмаҳкам) кабилар махсус номланмай, тегишли гузар таркибига кирган гузарлар шаҳарнинг тарихий шаклланган мамурий, маиший бўғини бўлиб, унда феодал жамиятнинг ўз тузилмалари, алоҳида аҳоли

гурухларининг меъморий тузилмалари ва маъмурий солиқ бошқарувининг эҳтиёжларини ақс эттирди.

Қадимий Бухорода узоқ давр мобайнида девонхоналар қурилмаган. Қуйи Қушбегининг закотхонаси (Ҳовли Поён), Арк жанубий деворларининг юқорисида жойлашган бўлиб, Аркдан сўнг ягона ва сўнгги эски девонхона вазифасини бажарган²⁴.

Музаффархоннинг Бозори Хўжа гузаридаги эски уйи ҳам омборга айлантирилган эди. Музаффархоннинг Чорбоғихосадаги ссаройи ҳам ташландиқ ҳолатда эди. Амалдорлар ўз уйларида қабулхонлар ташкил этган эдилар. Бу амалдорларнинг идоралари бир нечта ҳашаматли уйларни сотиб олиб уни катта бир мажмуага айлантириш орқали шакллантирилган²⁵.

Бу мажмуалар (идоралар) шундай режалаштирилганки унинг фақат охириги ҳовлиларидагина шахсий хоналар жойлаштирилган ва бу хоналар учун алоҳида чиқиш йўли ҳам қазилган. Бу эса айрим ҳовлиларда икки жинс вакиллариининг алоҳида жойлашиш тартибига ҳам баъзан риоя қилинмаган. Амалда ҳовлилар умумий (бунда асосий идора жойлашган) ва қабулхона (бунда бош котиб Мирзакалоннинг девонхонаси, шахсий девонхона, раис ёки қозикалон раҳбар ва юқори мартабали меҳмонларни кутиб оладиган катта хона – элчихона) бўлган.

Бадриддин Қозикалон идораси ва Бухориддин Раис идоралари айна шундай кўринишга эга эди. Шаҳарнинг ғарбий қисмидаги амирнинг Баротбек боғига туташган элчихона ҳам юқоридагилардек кўринишга эга эди. Унда икки боғ бўлиб улардан бири Насруллохоннинг тушдан кейинги вақтини ўтказиши учун хизмат қилувчи баланд деворли ёзги қароргоҳ ҳисобланган. Бу боғ ўзининг мармарли ҳовузли, ва ноёб дарахтлари билан машҳур эди. Иккинчи боғ Нақиб мадрасаси ва эшони Имло мазори ёнида

²⁴ Л. И. Ремпель. Бухара (Ўзбекистан). Совместно с Г. А. Пугаченковой. Серия «Сокровища зодчества народов СССР». Москва, 1949. – С.98.

²⁵ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. – С.111.

жойлашиб унда Б.У.Кустовскийнинг таъкидлашича уч ҳовлидан иборат элчихона бор эди.

Дастлабки кенг ҳовли фойтунлар, аравалар учун зарур отхона ва айвонлардан иборат; иккинчиси ўртасида ҳовузи бўлган квадрат шаклдаги хўжалик ҳовлисидан иборат бўлган. Бу ҳовлини уч томондан ғиштли супа ўраб турган. Ҳовли охирида кириш йўлига қарама-қарши катта меҳмонхона жойлашиб унга туташиб кетувчи ёпиқ айвон ва марказий айвон ўзининг иккита мармар шоҳсупаси билан ажралиб турарди.

Бинонинг бу қисмини кичкина даҳлиз иккига бўлиб турган. элчихона биноси ҳам худди боғга ўхшаб юқори амалдор Баротбекка тегишли эди. Шаҳар ривожини тартибсиз равишда кечган. Ҳеч ким режалаштириш билан шуғулланмай, умумий манфаатларни кўзламай, айрим шахслар манфаатлари учунгина шаҳардан тортиб олинарди. Сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган ҳамма нарса ўз эгаларини топиб бўлган эди. Шаҳарда умумий кўнгил очар боғлар, майдонлар ва бинолар мавжуд эмас эди. Аммо жамоат бошқармасига эга бўлмасида шаҳар амирга тегишли эди.

Ҳарбий, солиқ ва жамоат ишларини ташкил қилиш идоралари фаолияти билан шаҳар ҳаёти белгиланарди. Жамоат идораларини ташкил этиш сунъий суғориладиган йерларнинг таъминотлари билан боғлиқ ирригация ишлари учунгина олиб борилган.

Мадраса, масжид, саройлар қурилиши эса давом этаверган. Бухоро шаҳрида ўша пайтда шаҳарсозлик режаси мавжуд бўлмаган. Қози Аҳмаднинг айтишича, шаҳар майдони унинг деворлари ичида диаметрини ўлчаш йўли билан аниқланган.

Мозор Дарвозаларидан Регистон орқали Ширгарон дарвозасига боровчи йўл тўғри чизик деб қабул қилинган ва у бўйича шаҳар ҳудуди 3850 танобни

ташқил этган (деворларнинг ташқи сирти бўйича бу рақамлар шаҳарда шаҳарсозлик режасининг йўқлигини яна бир бор исботлайди)²⁶.

Ака-ука Иброҳим ва Остонқули Ҳафизовлар томонидан лойиҳалаштириш жараёнини ўрганишда ўта асқотувчи юздан ортиқ режалар архив ҳужжатлари сифатида сақланиб қолган. Иброҳим Ҳафизовнинг чизмалари орасида: Шербудун боғидаги қурилиш режаси (1907), Ҳайдарободдаги чорбоғнинг режа лойиҳаси, Тоқи Саррафон режаси, Ситораи Мохи Хосса саройи ва амир ўрдаси режаси ва ўша пайтда Бухорода мавжуд бўлган бошқа маъмурий бинолар режаларини учратамиз.

Остонқули Ҳафизовдан эса юқоридагилардан ҳам кўпроқ: Бухорода Гавкушон гузаридаги амир уйи режаси, Ҳайдарободдаги айрим бинолар режаси, Кармана яқинидаги Олчин боғидаги бино режаси, Шербудундаги айрим қурилиш режалари, Ситораи Мохи Хосадаги эски чорбоғ режаси ва Бухоро, Шаҳрисабз, Кармана атрофларидаги амир ҳовлиси ва уларнинг бир қанча режалари чизмалари сақланиб қолган. Юқорида таъкидланган барча режалар амалга оширилган.

"Азборои иморати подшойи комиссия" номли комиссия кузатуви остида (комиссияга рус инженерлари Сокович ва Маргулис, Хожа Иброҳим Ҳаётов ва Абдуғофур Қоровулбеги каби усталар қушбеги вакили - Мирза Исомиддин Қоровулбегилар кирган) бир қанча мамурий қурулишлар амалга оширилган. Қурилишга юқори қушбеги топшириғи билан, аммо қуйи қушбеги маблағлари ҳисобидан қурилган. Шаҳар четидаги қурилишларни Ҳусайн Девонбеги олиб борса, шаҳар атрофидагиларга эса Латиф девонбеги бошчилик қилган.

Юқоридаги комиссия техник назоратни амалга оширган. Аҳадхон даврида Ҳусайн Девонбеги Карманада (бу шаҳарда ўша вақтда амир истиқомат қилган) молия ва қурилиш ишлари билан шуғулланган.

²⁶ Л. И. Ремпель. Бухара (Узбекистан). Совместно с Г. А. Пугаченковой. Серия «Сокровища зодчества народов СССР». Москва, 1949. – С.165.

Кейинчалик эса у Бухорога бош қушбеги қилиб тайинланган. Карманага эса Латиф девонбеги юборилган.

Олимхон даврида (амир ўша пайтда Бухорога яшаган) Ҳусайн девонбеги шаҳардаги қурилиш ва молия ишларига раҳбарлик қилган, Латиф Девонбеги эса Ситораи Мохи Хоссага юборилган.

Шаҳар четида олиб борилган йирик қурилиш ишларига Қоровулбеги ёки Мирохўр даражасига эга бўлган усталар тайинланган. Бухорода бундай усталар сони 50 га яқин бўлиб, бироқ уларнинг ҳеч бири Тўқсабо даражасига эриша олмаган.

Қурилиш материаллари, бўёқлар, эшик ва дераза қисмлари этказиб берувчи катта савдогар Абдукарим (лақаби тахта) эди. Ҳусайн ва Латиф девонбегиларнинг асосий буюртмаларини у бажарган. Умумий омборхонаси Минораи Калонда, идораси эса Тоқи Саррафонда жойлашган эди. Каттагон гузарида унинг дурадгорлик устахоналари жойлашган. Абдукаримга қаршли учта дўконда хизматчилар ишлаган.

Абдукарим бўёқларни Ҳиндистон, Москва, Варшава ва Константинопол шаҳарларидан келтирган. Маҳсулот учун тахталарни Самара ва Красноводск шаҳарларидан вагонлаб келтирилган.

"Комисия таркибига рус инженерлари Сокович ва Маргулис техник назорат учун Аҳадхон давридаёқ жалб қилинган эдилар". Бу муҳандислар рус шаҳарларидаги замонавий архитектура услубини эслатувчи биноларни Бухорода ҳам қуришган. Дастлаб Мозор дарвозаси ёнида кичикроқ элчихона биноси қурилди унда почта станцияси ва телеграф ҳам бор эди²⁷.

Кейинчалик почта ва телеграф шаҳар марказида Ҳинду саройи ўрнида қурилган савдо фирмалари идоралари қаторига қўшилди. Почта ва телеграф ўрнида эса амбулатория жойлашган. Худди шу пайтда Каттагон гузарида маъмурий идора ўрнида аёллар касалхонаси қурилган. 1930-йилда бу йерда

²⁷ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. — С.133.

юқумли касалликлар касалхонаси бўлган. Рус фирмалари учун қурилган биринчи раста бир пайтда Қушбеги саройи ўрнида, иккинчи раста ҳам қурилди. Унда Азов банки, Ташқи Савдо банки ва Сави Марозов фирма дўкони жойлашган эди. Бу қурилишлар рус муҳандислар кузатуви остида рус буюртмачилари томонидан сарбоз ва деҳқонлар меҳнати эвазига қурилган.

Амир Аҳадхон даврида Когондан Бухорогача тош йўл ўтказилган. Кейинчалик эса Қарши дарвозасидан иккинчи ва ундан почтагача, шунингдек Регистон ва Лаби Ҳовуздан Самарқанд дарвоза ва Ситораи Мохи Хоссагача шундай тош йўл ётқизилган. Айрим ярим эвропа услубини эслатувчи бойлар уйлари (Рашид гузаридан Аминжон Сулаймонов уйи ва бошқалар) ҳисобга олинганда аҳоли яшаш жойларида европача уйлар қурилмаган, тош йўллар ҳам ётқизилмаган²⁸.

Айрим саройларгина европалашган эди, (Жўрабек, Карвонбоши, Насриддин бой саройлари ва бошқалар) Консуллик вазифаларини Бухоро вокзалидаги рус пристафи амалда бажарган. Унинг идораси вокзал олдидаги майдонда жойлашган бўлиб, унда маҳаллий Усмонхўжа Жевачи ҳам фаолият юритган.

1887-йилда Бухородан 15 км узоқликдаги янги Бухоро ҳудуди ташкил этилиб у рус темир йўлининг Когон станциясини ўраб олган эди. У ерда амир саройи ва рус сиёсий агентлигининг қароргоҳи жойлаштирилди.

В.В.Бартолднинг ёзишича, янги Бухорода давлат банки бўлими, дорихона, иккита пахта тозалаш заводи, учта меҳмонхона, кутубхона, ҳатто Бухоронинг бошқа ҳудудларида мавжуд бўлмаган объектлар ҳам бор эди. Янги Бухородаги сиёсий агентлик амирлик ҳудудидаги ягона телефон орқали эски Бухородаги қушбеги уйи билан алоқада бўлган.²⁹ З.К.Аҳмеджанова эса 1914-1916-йилларда Когон станцияси ва эски Бухоро ўртасида темир йўл

²⁸ Л. И. Ремпель. История искусств Узбекистана (совместно с Г. А. Пугаченковой). Ташкент: Академия художеств Узбекистана, 1962. - С.184.

²⁹ В.В.Бартольд. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. – С.244.

қурилганлиги ҳақида маълумот беради³⁰. Амирлик рус армияси ҳарбий кийимини ва рус қўмондонлигини тан олган ҳолда эски казармаларни ўзгаришсиз қолдиришган (Ситораи Мохи Хоссадаги казармалар бундан мустасно).

Одатда Бухоро казармалари отлар учун ёки хўжалик омборлари учун мўлжалланган баланд қилиб тўсилган иккинчи қавати синчли хужралардан иборат бўлган катта ҳовлини эслатарди. Уларда олдиндан кириш йўли - рўишаб мавжуд бўлган. Шаҳарда казармалар қуйидагича жойлаштирилган.

Амирнинг "терс полки" биринчи юзлик касалхонаси Баратбек боғи ғарбий деворларининг орқасида жойлаштирилган. Шу полкнинг иккинчи юзлик казармаси Ҳовузи Баланд гузарида; Кубон полкининг биринчи юзлик казармалари Муддао гузарида; иккинчи юзлиги Шермуҳаммад Жувазхон гузарида жойлашган эди.

Шаҳар ташқарисидаги Амир армияси казармаси (сазбозхона) Самарқанд дарвозаси бўйлаб Аҳадхон боғи ёнида Ҳазрати Имом дарвозасидан ўтиб Чорраҳа қишлоғига ва Ўғлон дарвозаси ортида Чорбоғи Хосса ссаройи ёнида жойлашган эди. Катта казармалар яна Ситораи Мохи Хосса яқинида, лойдан қурилган деворлар ортида бешта корпусда аравача, кубан, терс, шерф казармаларининг отлиқлари ва пиёда аскар (сарбоз)лар жойлашган эди.

Бу казармаларда кичкина ҳаммоми ва филлар учун қурилган (филхона) алоҳида ҳудуд ҳам мавжуд бўлган. Кўпгина эски ҳарбий идоралар бинолари ташландиқ ҳолатда эди. Улардан бири ҳарбий вазир (лашкарбоши) идораси "қўрхона" Арк деворлари тагида жойлашган ва Дорул Шифо мадрасасидан чапда жойлашган эски синчли икки ҳовлили асоси ғиштдан бўлган. Бу бинода тўплар ва қурол-яроқлар сақланган. Шу йернинг ўзида қуролларни

³⁰ З.К.Ахмеджанова. К истории строительства Бухарской железной дороги(1914-1916 годы). Общественные науки Узбекистана. 1962, – С.29-38.

таъмирлайдиган ва ясайдиган усталар ишлаган ва амир извошлари сақланган³¹.

Лашкарбоши девонхонаси эса дарвозадан чапдаги кичкина хонада жойлашган. Иккинчи кўрхона биринчисига нисбатан кичикроқ мустаҳкам ғиштли порох ва қурол яроқ сақланадиган иккита йертўласи бўлиб, бу бино Аркнинг қарама-қаршисида чеккасида жойлашган эди. Улар оралиғида тўпхона мавжуд эди.

Аркнинг шимолий деворлари ортида полиция идораси (миршабхона) ва камоқда сақлаш жойи (зиндон) жойлашган. Полиция идораси миршабларнинг шахсий хоналари жойлашган ички ҳовлига эса бўлган оддий синчли иморат эди. Юқорида мамурий ва ҳарбий идораларнинг жойлашувини ташкил қилиб фуқаролик идоралари фақат Шаҳристон ҳудудида бозорлар яқинида ҳарбий бинолар эса Аркни ўраб тургани ёки шаҳарнинг шимолий ғарбий қисмида Аркга туташ йерларида жойлашганлигини кузатиш мумкин.

Янги европача бинолар эса вокзалдан тўғри йўлда жойлашган. Тоқи Саррафон атрофларида ёки шаҳарнинг шарқий, жанубий дарвозалари яқинларида қурилганлигини кўриш мумкин. Ҳар бир гузарда амир амалдорлари фойдаланиш учун мўлжалланган икки ёки учта уйлар бўлган. Уй эгаларининг ўзлари уларни таъмирлашган. Регистон атрофи Хиёбон ва Жўйборда шаҳарнинг ғарбий ва жанубий-ғарбий қисмида бундай уйлар жуда кўп эди. Афшор маҳалла, Тотор маҳалла, Талипоч, Ширгарон дарвозалари ўртасида ҳарбий офицерларга хизмат қилувчи шундай уйлар мавжуд бўлиб, уларни аскарлар (сарбозлар) тамирлашган³².

Л.И.Ремпел Бухорони ўрганиш жараёнида "диний архитектура" ва "мактаб"лар қурилишига ҳам алоҳида эътибор берган. Ўша пайтда Бухорода масжидлар сони бир неча юздан ортиқ эди. Бу масжидларнинг энг

³¹ З.К.Ахмеджанова. К истории строительства Бухарской железной дороги(1914-1916 годы). Общественные науки Узбекистана. 1962, – С.165.

³² <http://www.ziyounet.uz>

қадимийлари Ҳовли масжид (маҳалла) лари бўлиб, унда кенг ҳовли (очик ҳаводаги катта жой) устунлар билан мустаҳкамланган айвон, гумбазсимон кўринишлар Макка томонга қаратилган бўлиб, ибодат меҳроблари билан безатилган эди.

Намозгоҳ масжиди (XII аср) ва бизгача этиб келмаган қадимий Жума масжиди (XII аср) ҳам шундай кўринишга эга эди. Мағоки Аттори, Сайфиддин Бохарзий, Муҳаммад Оталиқ масжидлари ҳам қадимдан мавжуд бўлиб, уларда шимол, шарқ баъзан эса жануб томондан кичик айвонлар бирлашиб кетарди (Баланд XVI аср, Хўжа Зайниддин XVI аср, Халифа Худойдод XVIII аср).

Анъанавий "Маҳалла" масжидлари Жоме ва Жума масжидларига айланиб борди. Бундай масжидлар гумбазсимон кўринишга эга бўлиб, ҳовлининг ғарбий томонида жойлашган эди. Уларга: Калон Жоме масжиди (1514), Хўжа масжиди (XVI аср), Шайхшона ва Уста Руҳи масжидлари киради.

Гумбазсимон айвонли масжидлар гузар масжидлари учун асос вазифасини бажариб XIX-XX аср бошларида бундай масжидлар жуда кўп қурилган. Улар учбурчак кўринишида, айрим ҳолларда зал кўринишини эслатувчи, ёки бир, икки , уч, баъзан эса олти устунларни бирлаштирган ўзига хос ёпиқ мажмуани ташкил этувчи ёки тўсинлар солиб ёпилган бинони эслатарди³³.

Масжиднинг асосий залида кичик хоналар тутшиб кетарди. Гузар масжидларида одатда бошланғич мактаб, баъзан бирор кўзга кўринган мусулмон оламининг вакилининг дахмаси (гўрхона) жойлашар эди. Масжидлар кўриниш жиҳатдан бир хилликни эслацада, аслида улар шакли ва ҳажми бўйича фарқланарди. Айниқса, халқ усталари томонидан биргаликда барпо этилиб юксак дид ва ижодкорлик намунаси ҳисобланган гузар

³³ История искусств Узбекистана (совместно с Г. А. Пугаченковой). Ташкент: Академия художеств Узбекистана, 1962. – С.54.

масжидлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Бу масжидлар ортиқча дабдабавозликка берилмай қурилганлиги учун кўпинча халқ архитектурасига шаклан жуда яқин турган³⁴.

Улар аҳоли яшаш жойларида ўзининг кичкина ҳовлиси ва кўкаламзорлаштирилган жойлари билан Бухоронинг кўчаларини безаб турарди.

Хонақо - зоҳидлар ва зиёратчилар учун ўзига хос ғарибхона кўринишидаги уй бўлиб, у ўзида шаҳарликлар ва унда яшовчилар ибодат қилишлари учун масжид ҳам мавжуд эди. Уларнинг айримлари мадраса кўринишидаги ёпиқ ҳудудни эслаца (Халифа Худойдод хонақоси) бошқалари эса режа бўйича бир ёки икки қаватли гузар масжидлари кўринишини эсга соларди.

Мадрасалар эса карвонсаройларга ўхшаб кетувчи куббали хужралар билан ўралган ёпиқ ҳовлини эслатарди. Масалан: Нодир Девонбеги мадрасаси дастлаб карвонсарой сифатида қурилган.Шунинг учун ҳам унга ташриф буюрган Имомқулихон унинг қурилишига қойил қолиб, дастлаб уни мадраса деб ўйлаган. Сарой тош мадрасаси ҳам айнан карвонсаройни эслатган³⁵.

Марказий Осиё мадрасалари Исломгача бўлган маҳаллий ананалар билан боғланиб, бу айниқса уларнинг мустаҳкам қурилишида кўзга ташланган. Архитектура жиҳатидан Бухоро мадрасаларини уч жиҳатга ажратиш мумкин: бир қаватли - бунда хужралар ёпиқ ҳовлини ташкил қилган ва улар дарсхона ва кутубхонадан ташкил топган эди. Бундай мадрасада Жўйбори Калон (1670-1671) мадрасасини киритиш мумкин.

³⁴ <http://www.google.ru>.

³⁵ Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. — С.147.

Иккинчи гуруҳга икки қаватли - нисбатан ривожланган тузилмага эга эди. Бу мадрасаларда кириш йўлидан ўнг ва чапда Миён саройлар, айримлари масжид вазифасини бажарган қуббали заллар бор эди.

Миён залларидан сўнг китобхона ҳовлининг ҳар икки томонида эса қаватлар бўйлаб жойлашган ҳужралар, улар олдидан эса ҳовлига қараб турувчи аркали айвонлар мавжуд эди (Улуғбек мадрасаси 1417, Мир Араб 1535-1536, Модарихон 1566, Абдулазизхон 1652 ва бошқалар). Абдуллахон мадрасасида (1589) ҳам худди шу кўринишни учрацакда, ғарбий айвон орқасида саккиз қиррали ёпиқ айвон уни бошқаларидан ажратиб турарди. Фақат XVI аср ёдгорликларидагина ён фасадларни ажратиб кўрсатишга урғу берилган.

Учинчи кўринишдаги мадрасалар кўча томонга қараган ён аркали тор йўлаклари мавжуд бўлган (Кўкалдош мадрасаси 1878, Хиёбон мадрасаси 1655, Бозори Гусфанд мадрасаси 1670).

XVI асрда Бухоро яқинида қурилган Чор Бакр мажмуаси ҳам худди шунга ўхшаш кўринишни акс эттирсада бу ансамбл архитектура йечими бўйича бошқа жойда учрамайдиган бетакрор йевропача барокко услубини эслатувчи ўрта асрлардаги феодал архитектурасига бегона бўлган очик майдонга ёйилган ёдгорликлар мажмуасидан иборат.

Қадимий Бухоронинг архитектура қиёфасида мадрасалар ўзининг ҳажми катталиги бўйича бошқа қурилишлардан ажралиб турган ва ўша пайтда вақф йерларидан келадиган даромад ҳисобига жуда катта даромадга эга бўлган. Оренбургда чиқарадиган “Вақт” журнаliga илова сифатида чоп этиладиган “Шўро” журналида Бухоронинг энг муҳим мадрасалари йиллик даромадлари ҳақида (1000 тангада) маълумотлар келтирилган³⁶.

Журналда юқорида ўрта ва кам даромадли мадрасалар қайд этилган. Даромади 120 минг танга бўлган Нақиб, Хўжадавлат, Абдулазизхон мадрасалари ва даромади 100 минг тангадан ошадиган Жўйбор, Мир Араб

³⁶ [http:// www.rujen.ru/index.php](http://www.rujen.ru/index.php).

мадрасалари юқори даромадли мадрасалар ҳисобланган. Ўрта даромадли мадрасалар йилига 10-40 минг танга даромад олишган (Ўткир Қушбеги, Авфон, Исмоил Ҳожи мадрасалари).

Кам даромадли мадрасалар юздан ошарди. Уларнинг даромади 10 минг тангадан камроқ бўлган. Мадрасаларни жойлаштиришда алоҳида қоидаларга риоя қилинмасада, улар қўш мадраса ёки ансамбл шаклида шаҳарнинг марказий ҳудудларида қад кўтарган³⁷.

Амир Насрулло даврида Бухоро кутубхоналарининг кўпчилиги йўқ қилинган бўлсада “Шўро” журнали (Оренбург 1916, №12) ёзилишича вақф даромадлари ҳисобидан таъминланган 11 та кутубхона бўлган. Улар: Жаъфархўжа, Гавкушон, Хўжа Ниҳол, Кўкалдош, Абдулазизхон, Мирзо Улуғбек, Бадалбек, Дорул Шифо, Бози Гусфанд, Жўйбор мадрасаларида жойлашиб унинг узвий таркибий қисми ҳисобланган. Аммо улардаги нодир кўлёмаларга эътибор жуда сусайган ва лотин ёзувининг араб алифбосининг ўрнига жорий этилиши билан улар деярли муомалада бўлмаган.

Шаҳар қиёфасида миноралар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. 1127-йилда қурилган Арслонхон минораси шаҳар кўрки бўлиб, узоқдан шаҳар яқинлигини билдириб турарди. Халқ афсоналарида миноранинг энг баланд қисми Самарқанд билан бир нуқтадалиги, унинг ҳажми қурилишда усталар маҳорати (гўё минора пойдевори қотиши учун шаҳардан уч йилга йўқолган уста ҳақида афсона) ҳақидаги кўплаб афсоналар тарқалган.

Вобкент минораси (1797) каби катта миноралар ва Хўжа масжид, Мирдўстин масжиди ва бошқа бир қатор минораларни қурилишида ҳайбатли Минораи Калондан ҳар жиҳатдан ўрнак олинган.

Амир Музаффархон даврида минора тагида эски ғўзапоя бозори жойлашган эди. Бухоронинг бошқа миноралари орасида 1807 йилда Халифа Ниёзкул мадрасаси айвони тепасида қурилган Чор Минор минораларини

³⁷ З.К.Ахмеджанова. К истории строительства Бухарской железной дороги(1914-1916 годы). Общественные науки Узбекистана. 1962, – С.19.

ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларни Тўрт Минор мажмуаси деб қабул қилсакда, аслида улар минора эмас баланд кубба кўринишли қурилиш ҳисобланади. Кичик миноралар ҳар бир даҳа масжиди ёнида ҳам қад кўтарарди. Масалан: Чор Бакр мажмуасида улар алоҳида қилиб жойлаштирилган. Кўпинча эса масжиднинг ён томонида ҳовуз ва масжидни ўзаро бирлаштириб турарди. Ҳовузи бўлмаса масжид ва минора бир-бирига янада яқинроқ жойлаштирилган³⁸.

Мадрасаларда эса ибодатга чорловчи миноралар сифатида чеккага жойлашган, чироқлар билан безатилган минорага ўхшаш баланд қурилишлар (гулдаста) жойлашган эди. Масалан: Абдулазизхон ва Гавкушон мадрасалари бунга ёрқин мисол бўла олади.

XIX-XX аср Бухоро топографик схематик хариталарини тузишга киришар экан муаллиф қадимги ва ўрта аср бухороси топографиясига мурожаат қилишга мажбур бўлди. X-XVII асрларда машҳур араб ва Ўрта Осиё муаллифлари Наршахий, Истахрий, Ибн Хавқал, Жувайний, Мақсудий, Табарий, Абу ал-Аср, Восифий асарларидаги маълумотлар бу борада кейинчалик тарихий топографик ихчамликлар олиб борган.

В.Бартолд, М.Массон, И.Умняков, В.Шишкинларнинг замонавий кўринишини ўрганишда қимматли маълумотлар вазифасини бажарди. Юқоридаги муаллифларнинг асарларида қарама-қаршиликлар учрасада, улар асосий шаҳар чегараларини белгиланиши ва асосий тарихий объектлар жойлашувини аниқлаш мумкин.

Ҳозирги Масжиди Калон ҳудудида жойлашган Насронийлар ибодатхонаси жойи (ўрни) ҳалигача аниқланмаган. Ҳозирда Мағоки Аттори масжиди мавжуд бўлган ва қачонлардир Мох масжиди қурилган ҳудуддаги оташпарастлар ибодатхонаси ўрни ҳам аниқ белгиланмаган (М.С.Мерешиевнинг охириги қазिशмалари ҳам бу фикрни тасдиқлайди).

³⁸ Л. И. Ремпель. Бухара (Узбекистан). Совместно с Г. А. Пугаченковой. Серия «Сокровища зодчества народов СССР». Москва, 1949. . – С.164.

Кеш Кушон уруғининг бой савдогарлари арабларга ўз уйларини бўштириб бериб Шаҳристондан кўчишлар натижасида ҳосил бўлган “Кешки-Муғгон” манзилгоҳи ўрни; Будда ибодатхонаси ўрнида қурилган қала ичидаги Жоме масжиди ўрни шунингдек, X асрдаги Шаҳристон ва қала орасида жойлашган масжид ўрни унинг ёнидаги йирик тўқимачилик устахонаси ўрни ҳам Регистон ва бошқа бир қанча қурилишларда жойлашган саройлар ўрни ҳалигача аниқланмаган. Улар тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли харитага киритилмаган. Шаҳристон дарвозалари жойлашуви эса унинг релефидангина келиб чиқиб ва юқоридаги муаллифлар малумотлари асосидагина харитага тахминий жойлаштирилган.

Шаҳристон релйефи эса 1926-йилдаги айро фотография тасвирлари асосидагина аниқланган. XIX XX-асрдаги Бухоро ҳақида картография малумотларини биз асосан учта режадан олдик: 1) Н.Хаников томонидан 1841-йилда тузилган Бухоронинг тарихий режаси³⁹; 2) XIX аср сўнгги чорагида Н.Пославский томонидан тузилган худди шундай режа⁴⁰; 3) XX аср биринчи чорагида Парфенов тузган “Бухоро режаси” (Фенин кейинчалик уни тўлдирган).

Ҳатто Вамбери ҳам ўз асарларида Н.Ханиковнинг малумотларидан фойдаланган⁴¹. Н.Хаников режаси шаҳарни айланиш асосида, унинг кўз билан чамаланган тасвирини акс эттирганлиги учун кўплаб ноаниқликлари мавжуд. Хусусан, режада шаҳар дарвозаларининг умумий кўринишини нотўғри тасвирланган ва ўша пайтда мавжуд бўлмаган айрим кўчалар акс эттирилган. Хаников тасвирлаган шаҳар шарқ ва ғарбдан сиқилган, жануб ва шимолда эса чўзилиб кетган эди. Асосий мадраса тим ва карвонсаройлар ҳозиргача сақланиб қолганлиги учун улар ўрни биз тасвирлаган схематик хариталарда аниқлаштирилган.

³⁹ Н.Ханьков. Описание Бухарского ханства. Спб., 1843.- С. 54.

⁴⁰ Н.Т.Пославский. Город Бухара, описание его и исследование вопроса о занятии его русскими. Ташкент, 1891.

⁴¹ Вамбери А. История Бухары или Трансоксании с древнейших времен до настоящего. По восточным обнаруженным и не обнаруженным рукописным историческим источникам. Т.1-2. Спб., 1873.е

Хаников харитасида “Вазир ўтрори” деб қайд этилган жойи ундан эллик йил кейин тузилган Пославский харитасида шунчаки оддий Ўтрор қишлоғи деб номланган.

Дилкушои Дорунни Н.Хаников “Бухорбой боғи”, Пословский эса “Амир дала ҳовлиси” деб қайд этилган. Самарқанд дарвозаси ортидаги ҳудудни Н.Хаников “Ражаббой боғи” деб номлаган. Ҳозирда Бухоро вокзали жойлашган жой эса “Қавола қишлоғи” деб аталган (Қарши дарвозасининг қадимий номи ҳам Қавола дарвозаси бўлган).

Имом дарвозаси ортидаги жойни Н.Хаников бозорча, М.Пасловский эса от бозори деб атаган. Иккала муаллиф ҳам Самарқанд дарвозаси ҳудудини тўғри кўрсатган. Самарқандга борувчи йўлни эса улар “Турбун” орқали Мозор дарвозаси орқали қайд этишган. Н.Ханиковнинг Самарқанд дарвоза орқали ўтган йўл Вардонзе томонга йўналган.

М.Т.Пословский шаҳарнинг асосий кўчалари ва девори чегараларини илк бор нисбатан тўғри акс эттирган харита (режа) тузган. Бу харитада илк бор “Чорбоғи хоса” (Амирнинг дала ҳовлиси), амалдор ссаройи деб номланган лашкарбошининг “Зарманок” саройи, Самарқанд дарвозаси ортидаги “Аҳадхон боғи” (харитада Амирнинг янги ҳовлиси), сарбозларнинг ўқув машғулот ҳудуди майдон шаҳар ичидаги Баратбек боғида жойлашган элчилар уйи бошқа хариталарга нисбатан аниқроқ тасвирланган.

Пославский ўз харитасига Талипоч ва Ўғлон дарвозалари оралиғидаги Талипоч ва Ширгарон дарвозалари оралиғидаги ва Қоракўл дарвозаси олдидаги шаҳар деворлари кўриниши акс эттирилган. Ундаги маълумотлар бўйича 1880-йиллар атрофида шаҳарни Когон томондан ўраб турувчи деворлар ва Қоракўл дарвоза яқинидаги деворлар (таъмирлаш ишларидан сўнг) нисбатан яхши ҳолда бўлса, Намозгоҳ дарвозаси яқини, Талипоч ва Ўғлон дарвозаси оралиғидаги эски деворлар ўта тамирталаб аҳволда бўлган.

Пословский европа муаллифлари ичида биринчи бўлиб Бухорода 12 та дарвоза (11 та эмас) бўлганлиги ҳақида қайд этган. У гумбазсимон бозорлар

(тим ва тоқ)ларни тўртта дейди (Ордифуршонни ҳисобга олмаган).Н.Хаников ва М.Пословский хариталарини Борус, Вамбери, Костенко, Кристовский қолдирган маълумотлар билан ҳам тўлдириш мумкин.Аммо бу маълумотларнинг ҳам қўпчилиги тарихий нуқтаи назардан ишончсиз эди.

Бухоронинг нисбатан батафсил кўринишга эга режа (харита)си 1910-йилда саккизинчи Туркистон ўқчи баталёни офицери Парфиёнов томонидан тузилган. Кейин унга капитан Фенин қўшимчалар киритган ва бу Туркистон ҳарбий округи томонидан 1911-йилда чоп этилган.

Парфиёнов ва Фенин харитасида шаҳар деворлари, асосий кўчалари қайд этилиб, масжид,мадраса,сарой ва айрим маиший бинолар схема тарзида акс эттирилган. Аммо ушбу харитада рақамлар билан қайд этилган биноларнинг рўйхати мавжуд эмаслиги сабабли барча топографик ишларни янгитдан олиб боришга тўғри келди. Аммо умумий малумотлар асосида шаҳар деворлари дарвоза ва асосий кўчаларини ўрганиб,айрим кўчаларни ўзгартириб, мадраса, гузар, масжидлари, ҳовуз ва банкларни харитада бошқатдан тасвирланган⁴².

Бу билан Ремпел муаллифлари номалум ёки бир қанча хариталарни ҳам ўрганган. “Бухоро шаҳрининг инглиз узунлик ўлчови “дюм” маштабли режаси” (бу харитада Бухоро ҳовузларининг жойлашуви жуда нотўғри кўрсатилган.1934- йилги тасвирлар асосидаги шаҳарнинг бир неча харитаси (бунда эски шаҳарнинг деярли ярми) акс этмаган.

Шунинг учун ҳам Ремпел нисбатан схематик жиҳатдан эски Бухоронинг кўринишини тўлиқ акс эттирувчи Парфиёнов – Фенин харитасига таянган. Парфиёнов ва Фенин харитаси бизни топография борасида чуқур изланишларга ундовчи бошланғич нуқта бўлди.

Сарой ва савдо ҳунармандчилик расталари харитасини тузишда 1926-йилдаги қадимги Бухоро ва унинг атрофларидаги сув ҳавзалари схематик режа (харита)сидан фойдаланган.

⁴² Л. И. Ремпель. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи Л. И. Ремпель. Ташкент: Издательство литературы и искусства, 1982. – С.150.

Аммо бу борада Ремпел тадқиқотларига асосий манба Бухоронинг туб аҳолисидан олинган ва қайта текширилган маълумотлар бўлди. Тўпланган маълумотлар асосида китоб муаллифи тўққизта харита тузди ва Бухородаги бир қанча пункт (алоҳида объект)лар рўйхатини шакллантирди.

Хариталарда учрайдиган шарқона сўз ва ибораларнинг фонетик томони М.С.Андреев томонидан бажарилган. Китобда муаллиф томонидан Бухоро хунарманд усталари ва туб аҳолиси тилида кўп учрайдиган ва унга яқин атамалар қўлланилган.

Хулоса қилиб айтганда XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро шаҳри топографияси, хариташунослиги, мадрасалар, масжидлар, карвонсаройлар, шаҳар ҳовузлари ҳақида Ремпел ўз тадқиқотларида муфассал маълумот бера олган.

ХУЛОСА

Муҳтарам юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаёқ "Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболардан мерос бўлиб қолган. Бинобарин биз ҳам уни кўз қорчиғидай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак", деб айтган сўзлари биз учун дастури амал бўлди. 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни соҳа ишида жаҳон андозалари талабларига мос қонуний асосни яратди.

Ҳозирги кунда Республикамизда 10 мингдан ортиқ моддий маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, шундан 7570 таси давлат ҳимоясига олинган, улар таркибида 2330 та меъморчилик, 3945 та археология, 1138 та ҳайкалтарошлик ва монументал санъат асарлари ва 157 та диққатга сазовор жойлар ҳамда 700 мингдан ортиқ кўчма моддий маданий мерос объектларини кўриш мумкин.

Айнан Истиклол шарофати билан 1991 йилда Хивадаги "Ичон қалъа", 1993 йида Бухоро шаҳрининг тарихий маркази, 2000 йилда Шаҳрисабзнинг Амир Темури ва Темурийлар даври меъморчилик обидалари, 2001 йилда Самарқанд шаҳрининг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКОнинг "Бутунжаҳон маданий мерослари рўйхати"га киритилди.

Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик, Хива шаҳрининг 2500 йиллик, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик, Қаршининг 2700 йиллик, Марғилоннинг 2000 йиллик, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейларини нишонлаш ва

Ўтказиш арафасида ҳам юзлаб тарихий обидалар, осори атиқаларга қайтадан жон ва жило киритилди.

XXV асрдан зиёд тарихга эга Бухоро жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон шаҳарларимиздан бири. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу гўша таърифи етти иқлимга ёйилган.

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Хулоса қилиб айтганда , Бухорода манғитлар даврида барпо этилган муҳташам саройлар, диний иншоотлар мадрасаю масжидлар, фуқаро турар - жойларининг қурилиш услублари Бухоро меъморларининг бебаҳо меросини ўрганиш тарихчилар зиммасидаги асосий вазифалардан биридир. Бухоронинг бой тарихий –меъморчилик мероси ана шу қадимий шаҳар ташқи қиёфасининг ўзига хос ранг –баранглиги ва бетакрорлиги унга жаҳоннинг машҳур шаҳарларидан бири бўлиш ҳуқуқини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

- I.1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2008 йил.
- I. 2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: “Шарқ”, 1998.
- I.3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1996
- I.4. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2000

II. Асосий адабиётлар

- II. 1. Ахмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.- Т.: Ўзбекистон, 1995.
- II .2. Ахмедов С . Жаҳон хазинаси жавоҳири Бухоро: Бухоро нашриёти, 1997.
- II.3. Балжувоний М.А. Тарихи нофеий(Фойдали тарих).-Т.: “Академия”2001
- II.4. Бухоро ва Хива Шаҳарларнинг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари Т.Ўзбекистон1997
- II .5. Бухоро шаҳри 2500 ёшда. Тошкент, Фан, 1998.
- II.6. Массон В. Бухоро ўзбекистон тарихида. Бухоро: Бухоро нашриёти, 1995.
- II .7. Муҳаммаджонов А. Қадимги бухоро Т.Фан 1991 йил
- II .8. Наврўзова Г. Баҳоуддин Нақшбанд. Т.: Абу матбуот Консалт, 2011
- II .9. Наимов Н. Бухорои шариф. Бухоро: Бухоро нашриёти, 2005
- II.10. Саййид Мансур Олимий Бухоро –Туркистон бешиги/форсчадан Ҳ Тўраев таржимаси. Бухоро: Бухоро нашриёти, 2004
- II.11. Саййид Муҳаммад Носир ибн Музаффар Тадқиқоти арки Бухоро/Бухоро арки ҳақида тадқиқот.Т.:Тафаккур 2009
- II.12. Ёўлдошев Н., Ҳ Қурбонов Бухоро шаҳри ва атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи Бухоро: Бухоро нашриёти 2001

- II.13.Жумаев А.Ш. Бухоро археологияси (ўқув услубий қўлланма). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2006
- II. 14Жумаев А.Ш., Муҳаммедов И.Т., Ҳамроев А.Ҳ. Ўлкамиздаги жой номлар Бухоро: Бухоро нашриёти, 1998
- II.15.Жумаев А.Ш., Қурбонова М.Б. Бухоро этнографиясидан лавҳалар. Бухоро: Бухоро нашриёти, 2006
- II.16Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса Т.:Фан 2005
- II.17Жумаев Қ.Ситораи Мохи Хосса (тўлдирилган иккинчи нашр). Бухоро: Бухоро нашриёти, 2010
- II.18. Файзиев Т. Бухоро феодал жамиятида қуллардан фойдаланишга доир ҳужжатлар (XIX аср). – Тошкент: Фан, 1990.
- II.19. Қосимов. Ф.Х. Темурийлар даврида Бухоро. Бухоро: Бухоро нашриёти, 1996
- II.20. Қосимов. Ф.Х. Бухоро Париж асрлар садоси. Бухоро: Бухоро нашриёти, 1997
- II .21.Қосимов. Ф.Х. Бухоро республики тарихшунослиги. Бухоро: Бухоро нашриёти, 1996
- II .22.Себзор даҳаси қозиси фаолияти оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Ғ.Каримов, П.Сартори, Ш.Зиёдов. –Т. : “Ўзбекистон”, 2009
- II .23Тураев Х Чорбакри и их преемники,Т.:Фан ва технологиялар, 2011
- II .24Тураев Х Традиция посещений культовых мест в Бухаре: Социальная и религиозная оценка//История и культуры Центральной Азии.Токио,2012.- С213-228
- II .25. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб.: 1843. – С.187.
- II.26 Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Ж. 2. Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-6
1.Боб. XVIII аср охири – XXаср бошларида Бухоро меъморчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари	7-13
2.Боб. Манғит ҳукмдорларининг ташқи саройлари.Ситораи Мохи-Хосса саройи.....	14-25
3.Боб. XIXаср охири – XXаср бошларида Бухоро шаҳрининг меъморий қиёфаси ва топографияси	26-59
Хулоса.....	60-61
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	62-63

